RESPUBLIKASI
MILLIY
KUTUBXONASI
INV.№

Ушбу сонда:

2 НИЗО БАРҲАМ ТОПДИ

3 ИНСОНИЙЛИК ТАЛАБИ

4 ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

ЭНГ БАДАВЛАТ ВА ЭНГ ҚАШШОҚ АДИБ

MEZON:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 10 (416)
2005 йил
15 март
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

ТОТУВЛИК ВА МУРУВВАТ САЙЛИ

Ҳар бир халқнинг ўзига хос шундай қадриятлари ва анъаналари бўладики, у миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этиб туради. Миллат билан бирга яшайди, бирга тараққий топади, бирга улғаяди. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз ҳам қадимий бўлиши билан бирга ҳар йили янгиланиб бораётган улуғ ва навқирон байрамдир.

Тарихий манбаларда, жумладан, Маҳмуд Кошғарий, Беруний, Умар Ҳайём, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг асарларида ва бошқа манбаларда Наврўз байрами, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Абу Райҳон Берунийнинг "Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар" деб номланган асарида ҳам бу байрамнинг келиб чиқиши, тарихи ҳақида фикр юритган. Алишер Навоий бу байрам ҳақида гапирар экан, **"ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун наврўз"** дейди.

Қайси бир даврни олиб қарамайлик, Наврўз катта майдонларда, сайлгоҳларда зўр тантана билан нишонланганининг гувоҳи бўламиз. Фақат шўролар даврида бу байрам қувғинга учради, миллат ҳаёти ва хотирасидан буткул ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди. Мустақилликдан сўнггина у ҳаётда яна ўз ўрнини топди, янгича мазмун ва моҳият касб этди. Чинакам халқ сайли, тантаналарининг шодиёнасига айланди. Халқимиз бу кунни йилбоши деб ҳам атайди. Наврўз қандай ном билан аталишидан қатъи назар миллатнинг улуғ куни, тозариш, яшариш, янгиланиш, юксалиш байрами бўлиб қолаверади.

Наврўз шунчаки байрам эмас. У миллатнинг тарихи, фалсафаси, бадийяти ва санъати, маданияти ва дунёқарашини, илмий тафаккур тарзини ўзида мужассам этган қомусий бир айёмдир.

Наврўзда кун билан тун тенг келган. Қадимда йил тақвими, яъни фасллар алмашинуви, унинг қутбларини билиш кишилар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Аждодларимиз осмон, қуёш, ой, юлдуз каби ёритқичлар ҳаракатини кузатиб, улар ҳақида мукаммал билимга эга бўлишганлар. Бу уларнинг кундалик, хўжалик, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида ғоят асқотган. Аслида Наврўз ҳақидаги мавсумий маросимлар ва қўшиқлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги тасаввурлар ўз аксини топгандир.

Наврўз байрами қадим анаъанага кўра тозариш, покланиш, янгиланиш удумидан бошланган. Одамлар ўрталаридаги гина-кудратларни унутган, бир-бирларига меҳр-мурувватли бўлишиб, яхши тилаклар билдиришган, гуллар ҳадя этишган, бева-бечоралар ва беморларнинг ҳолидан хабар олишган, қабристонлар зиёрат қилиниб, ўтганлар руҳи шод қилинган, ҳашар уюштирилиб, уй-маҳалла, юрт обод қилинган, боғ, далаларга кўчатлар экилган.

Бободеҳқоннинг илк бор далага қўш чиқариши ҳам Наврўздан бошланган.

Қадимда Наврўз арафасида аждодларимиз етти хил экиннинг уруғини эккан ва унинг униб чиқишига қараб йилнинг қандай келишни башорат қилган. Наврўз куни етти хил таом тайёрланган. Булар кўк сомса, кўк чучвара, ҳалим, кўк ош, дўлма, сумалак ва ҳоказолар. Етти рақамига урғу берилишининг ўз асоси бор. Чунки қадимда етти рақами муқаддас рақам ҳисобланган.

Сумалак, бойчечак, лола, гул сайллари эса Наврўз сайлларининг ўзагини ташкил этган. Наврўз куни одамлар кўм-кўк қирларга, адирларга тоғларга сайлга чиқанлар, табиат билан юзлашган, унинг гўзаллигидан, бетакрорлигидан баҳраманд бўлганлар.

Сумалак — баҳорнинг шифобахш, тансиқ ва шоҳ таоми ҳисобланади. Сумалакни асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида суҳбатлар қуришганлар, чилдирма чалиб ўйин-кулгу, ҳазил мутойиба қилганлар, ўз сўзлари, куй-қўшиқлари билан баҳорни — янги йилни алқаганлар. Сумалак тайёр бўлгач, уни тайёрлаганлар барчани сумалак сайлига таклиф этишган.

Айнан кўклам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг уйғониши, уни жонлантириш билан боғлиқ маросимлар, томошалар бўлиб ўтган. Ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг қут-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ўйин, ҳаракат, қўшиқлар асосида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган.

Янги йил, яъни Наврўзда қиш ва ёзнинг (икки қутбнинг) ўзаро курашуви ва қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади деган қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим халқаларида ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга интилган.

Маросим ва ўйинларнинг айнан Наврўзда ижро этилишининг ўз сабаблари бор. Чунки ушбу кунда қилинган эзгу ҳаракат ва тилаклар, албатта, рўёбга чиқади, деб ишонилган.

Қадимда кўклам маросимининг таркибий қисми бўлган бундай халқ ўйинлари кўҳна тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳолда асрлар оша анъана тарзда яшаб келаётгани халқимизнинг руҳий қуввати ва ижодий салоҳияти бениҳоя юксак эканидан далолатдир. Ана шу руҳий куч-қудрат ва яратувчанлик салоҳияти мустақиллик йилларида халқимиз табиатида қайтадан намоён бўлди. Ҳар йил Наврўз шодиёналарининг юртимизда кенг нишонланаётгани қадим анъаналарнинг давом этаётганининг исботидир. Ҳозирда Наврўз тинчлик-тотувлик, меҳр-мурувват, бирдамлик ва биродарлик тимсоли бўлган чинаккам халқ сайлидир. Чунки бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирлари, ўйин-кулги ва турфа томошалар бир неча кун давом этади. Бу йил ҳам халқимиз Наврўзни кўтаринки кайфият ва зўр шодиёна билан кутиб олиш тараддудини кўрмоқда. Зеро, Наврўз нафақат табиатнинг ўзгариши, яшариши, балки инсон қалби, руҳияти ва тафаккур тарзининг ҳам янгиланишидир. Табиатни англаш орқали инсон ўзлиги — "мен"лигини кашф этган, қалбида ўзига ишонч, эртанги кун умиди уйғонган. Шунинг учун ҳам бу байрам тинчлик, осойишталик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббатнинг тароноси, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, унинг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматининг нишонаси ҳисобланади. Бу қадрият ҳозирда янги жиҳатлар билан бойиб, янада сайқал топмоқда.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА

МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 11 март куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнеллни қабул қилди.

* * *

"Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"ги Президент қарори эълон қилинди.

* * *

Тошкентда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Япониянинг қишлоқ хўжалиги кооперативлари уюшмаси марказий қўмитаси ҳамкорлигида "Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг тармоқни ривожлантиришдаги ўрни" мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

* * *

Самарқанд халқаро аэропортида замонавий таъмирланган ва барча зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган "Соғлиқни сақлаш" бўлими фойдаланишга топширилди.

ХОРИЖДА

Тюрингия федерал ўлкасининг Гера шаҳрида "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти" мавзуида ахборот семинари бўлиб ўтди.

* * *

Фаластин маъмурияти вакилларининг маълум қилишича, мухторият етакчиси Маҳмуд Аббос шу ойнинг охирида АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашиш учун Вашингтонга сафар қилади.

* * *

Ироқ ҳукумати вакилларининг хабар беришича, мамлакат шимолида жойлашган Мосул шаҳрида кучли портлаш содир бўлди. Террорчилик акти оқибатида 46 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 100 га яқин киши жароҳатланди. Портлаш дафн маросими бўлиб ўтаётган Шоҳидон масжидида рўй берган.

* * *

Доминикандаги Хегуэй қамоқхонасида маҳбуслар ўртасида тўқнашув келиб чиқиши натижасида ёнғин содир бўлган. Тартибсизликлар ва ёнғин оқибатида 140 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган, ўн нафари ярадор бўлган.

* * *

Филиппиндаги мактаблардан бирида заҳарланишдан 25 нафар бола вафот этган, 60 нафари эса шифохонага ётқизилган. Бу ҳақда маҳаллий ҳукумат вакили хабар тарқатди. Болалар эрталабки нонуштадан заҳарланишган. Мактаб маъмурияти мазкур воқеада ошпазларни айбламоқда.

Bugunning gapi

БОШ МЕЗОН – ҚОНУНИЙЛИК

Юртбошимиз Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишда эркинлаштириш жараёнлари аввало иқтисодиётда, биринчи галда, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида ижобий ўзгаришларга олиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, одамларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун ўз кучига, ўз ақл-заковатига ишониб яшаши учун мазкур жараён мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Яқинда Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходимлари томонидан Ғиждувон туманида тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳамда хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонун ҳужжатларининг ижроси ўрганиб чиқилди. Жумладан, туманда 2304 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган. Бугунги кунда уларнинг 86 фоизи фаолият кўрсатяпти. Шулар ҳисобига 3363 та янги иш ўринлари яратилган. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам йил сайин ўсиб бораяпти.

Афсуски, қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш жараёнида туман ҳокимлиги ва назорат қилувчи идоралар фаолиятида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига путур етказиб, уларнинг эркин фаолият юритишларига тўсиқ бўлиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, туман ҳокимлигига ўтган йили 1501 та ариза ва 33 та шикоятлар келиб тушган. Айрим ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда қонунда кўрсатилган муддат бузилган.

Ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рўйхат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"**ги қарор талабларини баъзи ҳолларда ёдларидан чиқариб қўйишган.

Келинг, фикримизни мисол билан исботлашга уриниб кўрайлик. "Жаҳонгир Шамс" фермер хўжалиги раҳбари Ш.Ражабов 2004 йил 27 майда рўйхатдан ўтказишни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Ариза шу куниёқ 472-сон билан кирим қилинган. Рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида 2004 йил 31 майда 472-сонли гувоҳнома берилган. Қизиғи шундаки, рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори 16.320 сўм 1 июнда тўланган. Қонун талабларига кўра, давлат рўйхатидан ўтмасдан олдин рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати тақдим қилиниши лозим эди. Бу "усул" қонун талабларига зид бўлса-да, инспекция ходимлари уни "дадил" амалда қўллаб келишган. Шунингдек, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш чоғида улардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш каби яроқсиз иш услуби инспекция фаолиятида кўзга ташланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Jamiyatimiz maqsadi

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида "суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этиш лозим бўлган муҳим бир масала — жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш" таклифини билдирди. Қуйида ўлим жазосининг жазо тизимидаги ўрни, ўтмиш қонунлари ва амалиётидаги бу жазони бекор қилиш тўғрисидаги турфа ёндашувлар, ҳозирги пайтда дунё давлатлари жиноят ҳуқуқи ва қонунларида ўлим жазоси билан боғлиқ масаланинг қай тарзда ечим топгани, шунингдек, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш учун ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги, нима сабабдан ўлим жазосидан воз кечиш керак, деган бир қатор саволлар атрофида мулоҳаза юритишга жазм этдик.

ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ – ЖАВОБГАРЛИКДАН ОГОҲ ЭТИШ

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Тарихий манбаларда қайд этилишича, ўлим жазоси кишилик жамиятининг барча босқичлари ва ижтимоий тузумларида, яъни ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб то ахборот ҳамда интеллектуал ривожланиш асри ҳисобланган ҳозирги даврда ҳам энг оғир жазо ҳисобланади. Одамлар тўдатўда шаклда бир уруғ бўлиб яшаган замонда ҳам, кейинчалик ижтимоий турмуш тарзи юксалиши натижасида уруғлар бирлашиб, қабилалар сифатида кун кечиришган кезларда ҳам бир-бирини ўлдириш билан боғлиқ воқеалар содир этилганида қабиладошининг ўлдирган одамдан қасос олиши расм бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси жазо тизимига киритилган чоғларданоқ унинг шафқатсизлиги сабабли амалиётда уни қўллаш ёки бекор қилиш тўғрисида турли баҳс-мунозаралар ва тортишувлар юзага келган. Бу масала ҳозирда ҳам узил-кесил ечимини топмаган десак, асло хато эмас. Бу ўринда манбалардан бирида ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ муҳокама жараёни тўғрисида баён қилинган қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз. Унда ёзилишича, қадимги тарихда Пелопон жанги деб ном олган греклар ва афиналикларнинг ўзаро уруши-

дан сўнг афиналиклар сотқинлик қилиб ўзларига ўтган гректларни (Митилена шаҳри) қатл этиш, уларнинг хотин ва болаларини эса қул қилиш керак, деган масалани халқ мажлисида (қонун қабул қилувчи кенгаш) муҳокама этган.

Муҳокамада ўлим жазосини қўллаш тўғрисида икки хил фикр билдирилган. Бир гуруҳ одамлар бу жазони қўллашни ёқлаган бўлса, бошқалар унга қарши чиқишган. Айниқса, афиналик файласуф Диодот ўлим ўта қаттиқ жазо экани, уни амалда қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмагани, яъни у ижобий самара бермаганини ўша давр амалиётидаги аниқ мисоллар ёрдамида мажлис иштирокчиларига тушунтира олади. Натижада ушбу масала овозга қўйилиб, иштирокчилар ўлим жазосини қўллашга қарши овоз беришади. Бундан кўриниб турибдики, ўша замондаёқ ўлим жазосидан воз кечилган. Аммо кейинчалик давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги умумий қонуниятлардан кўра ўзига хос ривожланиш тамойиллари устунлик қилиши оқибатида ўлим жазосидан фойдаланиш қонунлаштирилган. Масалан, қадимги Бобил давлатида яратилган Хаммурапи қонунларида **"жонга жон, тишга тиш"** тамойили акс эттирилган. Бу жазо талион, яъни тенг жазо деб аталган. Бунда етказилган зарар миқдорида жиноятчининг ўзига ҳам айнан шу тур ёки миқдорда шикаст ёки зарар етказиш, деган қоидага амал қилинган. Қасос олиш айрим диний таълимотларда, жумладан, ислом таълимотида ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, мусулмон ҳуқуқидаги тенг жазо унгача бўлган даврдаги талиондан фарқ қилади. Илгари тенг жазога нафақат жиноятчи, балки у билан бирга унинг яқинлари ҳам тортилган бўлса, шариатда бу жазо фақат жиноятчининг ўзига нисбатан қўлланилган. Бу ҳозирда жиноят ҳуқуқидаги жазони алоҳида (индивидуал) қўллаш тамойилига мутаносибдир. Бундан ташқари, мусулмон ҳуқуқидаги қасос олиш мазмун-моҳияти жиҳатидан исломгача бўлган таълимотлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, Қуръони каримнинг "Бақара" сураси 178-оятида "Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос олиш фарз қилинди: озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл учун аёлдан. Биродари томонидан авф этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у ҳолда яхшилик билан бўйинсуниш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир).

(Давоми учинчи бетда)

E`tirof

Бугун шитоб билан ўзгараётган давр нафасини илғамоқ, жамият табиатини туймоқ учун ҳам инсонга теран салоҳият, ҳушёрлик ва қобилият керак. Нега деганда, истиқболни, давр руҳини англамай туриб ташланган қадамлар алифбони ўрганмай туриб олимликни даъво қилиш билан баробардир.

ЭЗГУЛИК РЎЁБИ

Ҳаётини тадбиркорлик, ишбилармонлик ва омилкорлик билан боғлаган кишилар учун эртани бугунданоқ кўра ва била олишнинг аҳамияти айниқса, катта.

— 90-йилларнинг боши эди, — ҳикоя қилади Хазорасп туманидаги "Чуйник" фермер хўжалиги раҳбари Жумабой Абдиримов, — Давлатимиз олдинига мамлакатда хусусийлаштириш ташаббуси билан чиқди, орадан хиёл вақт ўтмай хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, қишлоқда фермерлик ҳаракатига изн берилди. Истиқлол туфайли юзага келган ушбу ҳаракатнинг умри боқийлиги, яқин истиқболдаёқ мамлакат тараққиётининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига айланишини ўшанда ҳамма ҳам аниқ тасаввур эта олди деёлмайман. Сабаби: ўшанда қишлоғимиздаги собиқ ширкатга қарашли фермани хусусийлаштириб, унинг негизида қалдирғоч фермер хўжалигини ташкил этиш ҳақидаги таклифга ҳатто ўзини ўта ақлли ва билимдон санаб юрган кишилар ҳам ишонқирамай қарашди. Шўролар тузуми даврида хусусий мулкчиликка нисбатан давлат томонидан ўтказиб келинган кучли тазйиқ асорати ҳали сақланиб қолган ва у ҳамма жойда манаман деб турарди. Кўпчиликни бугун тортиқ этиладиган мулк-бисотни эртага бирон-бир кор-ҳол сабаб қайта тортиб олишмасмикан, деган оғир андиша қийнарди.

Фермер — ҳақ. Бу каби вазиятларда эртанги кун манзарасини аниқ-тиниқ идрок эта олган оддий одамлар яхшироқ тасаввур қилишади.

"Чуйник" фермер хўжалиги раҳбари Жумабой акани ҳамқишлоқлари хат-саводи ғовлаб кетганлар сирасидан санашмайди. У чиндан ҳам, оддий одам, баъзиларникидай қўша-қўша дипломлари ҳам йўқ.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

АППЕЛЯЦИЯ ИНСТИТУТИ: ИНСОН ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳият-эътибори билан аввало, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, жиноят қонунчилигининг либераллаштирилиши ҳуқуқ тизимида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилишига замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилишини яна бир бор таъкидлади. Ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми саналган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепциясининг амалга жорий этилиши, судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви, суд ишларини аппеляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий қилиниши бу борада янги қулайликлар яратаётир.

Шуни айтиш жоизки, аппеляция инстанцияси 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунига мувофиқ жорий этилди. У судлар йўл қўядиган хатоларини ўз вақтида тузатиш, иш юритишда санкалорликка йўл қўйилмасликнинг муҳим кафолати бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

НИЗО БАРҲАМ ТОПДИ

Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги мулкчилик шаклини ташкил этиш, экспорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар сонини кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароит яратилмоқда. Бундай ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб, Гулистон шаҳридаги тармоғини кенгайтириб, янги-янги иш ўринлари ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ташкил этиб келаётган йирик корхоналардан бири "Сарбонтекс" ҳисобланади. Яқинда ана шу корхонада англашилмовчилик туфайли юзага келган низо барҳам топди.

Гап шундаки, Гулистондаги "Сарбонтекс" Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси ҳисобидан 2003 йил январидан 2004 йилнинг декабр ойигача 101.326.822 сўм миқдорда мулк солиғи Гулистон шаҳар ДСИ томонидан ундирилиб келинган. Шу билан кифояланиб қолмай, молиявий жарима сифатида ушбу тўланмаган солиқнинг 10.025.124 сўм устамасини ҳам ундириб олиш жоиз, деб топилган. Жами 111 миллион 351 минг 946 сўм мўмай даромад шаҳар бюджети ҳисобига тушадиган бўлди.

Хўш, "Сарбонтекст" шундай жазога лойиқмиди?

"Сарбонтекс" қўшма корхонаси 2001 йил 10 декабрда давлат рўйхатига олиниб, унга 19-сонли гувоҳнома берилган эди. Корхонанинг Низом жамғармаси 1.274.510 АҚШ доллари миқдорида белгиланиб, жамғарма тўлиқ шакллантирилган, шундан чет эл инвесторлари улуши 51 фоиз бўлиб, у 650 минг АҚШ долларини ташкил этган.

Солиқ кодексининг (эски таҳриридаги) 92-моддаси, олтинчи хат бошига асосан, ишлаб чиқариш корхоналарининг Низом жамғармасида чет эл инвесторларнинг улуши 500 минг АҚШ долларидан ошган тақдирда имтиёз тариқасида "мулк солиғи"дан озод қилиниши белгиланган. Мазкур имтиёз 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг IX бўлим, 10-бандига мувофиқ ўз кучини йўқотган. Бу қонун 2002 йил 20 январдан кучга кирган.

2001 йил 11 декабрда солиқ тўловчи сифатида Гулистон шаҳар ДСИ томонидан рўйхатга олинган "Сарбонтекс" қўшма корхонаси Солиқ кодекси (аввалги) бўйича имтиёзга эга эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сонли Фармонининг 40-бандига асосан, 1996 йил 1 июндан экспортга йўналтириган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг Низом жамғармасида чет эл сармоясининг улуши камида 500 минг АҚШ долларини ташкил этса, мулк солиғи тўловидан озод этилиши белгиланган. Ушбу ҳужжат ҳамон кучда турибди.

Шунингдек, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **"Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"**ги қонуннинг 3-моддасида **"Ўзбекистон Республикасининг кейинчалик қабул қилинган қонун ҳужжатлари инвестициялаш шартларини ёмонлаштирадиган бўлса, чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялаш пайтида амалда бўлган қонун ҳужжатлари узоғи билан 10 йил давомида қўлланилади"** дея қайд этилган. Айнан қўшма корхона жамғармасига Британия тарафидан кирган "GB TEX C.A" компанияси 2001 йил 10 декабргача ўз мажбуриятини бажариб, 650 минг АҚШ доллари миқдоридаги улушини қўшган.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 24 апрелдаги **"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида "Белгилаб қўйилсинки, солиқ тўловларига Кодекс амалга киритилишидан аввалроқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига биноан берилган солиқ имтиёзлари берилган муддат тугагунча қадар сақланиб туради"**, дейилган. Солиқ кодексининг (аввалги) 92-моддаси олтинчи хат бошисида белгиланган мол-мулк солиғи бўйича имтиёз 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган қонун билан чиқариб ташланган бўлсада, ушбу қонун 2002 йил 20 январдан кучга кирган ва бунгача "Сарбонтекс" қўшма корхона сифатида рўйхатга ўтган.

Демак, мулк солиғи тўлови бўйича ушбу корхонага нисбатан имтиёз қўлланиши лозим эди.

Бироқ Гулистон шаҳар ДСИ ходимлари Н.Норматов ва С.Сафаров мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар **"Янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида" қўлланилиши мумкин, лекин "Сарбонтекс" қайта ташкил этилган корхона бўлганлиги учун имтиёз қўлланилмайди"**, деб эътироз билдиришди.

Хўш, бу эътирозда асос борми?

Йўқ, албатта. Нега деганда, Солиқ кодексининг 92-модда, олтинчи хат бошисида мол-мулк солиғи тўловидан имтиёз янги ёки қайта ташкил этилган корхоналар учун эмас, балки Низом жамғармасида чет эл инвесторлари улуши 500 минг АҚШ долларидан ошган корхоналарга қўлланилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, солиқ идораси ходимларининг бу янги ташкил бўлган корхона эмас, аввалдан мавжуд бўлган корхона эди, дейиши ҳам кишини таажжубга солмади. Ахир, у хорижий инвестиция киритилган қўшма корхона сифатида аввал ёки кейин эмас, айни 2001 йил 10 декабрда давлат рўйхатига олинган-ку!

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, солиқ идораси ходимларининг яна бир гапи ҳаммасидан ошиб тушди. Улар Солиқ Кодексининг 12-моддасига кўра, **имтиёзлар ҳақидаги ҳужжатларни ДСИга тақдим қилиш солиқ тўловчининг мажбурияти,** дейишди. Шундай экан, унда нега қўшма корхона бош ҳисобчиси мулк солиғидан озод этиш масаласида мурожаат этганида, ДСИ ходими С.Сафаров бу масалада шаҳар ҳокимига мурожаат қилиши зарурлигини, чунки мулк солиғи маҳаллий бюджетга йўналтирилганини айтди.

Фуқаролик кодексининг 85-моддасида **"Бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади"**, деб белгиланган. **"Чет эл инвестициялари тўғрисида"**ги қонуннинг 3-моддаси, 1-банди меъёрларига асосан мамлакатимиз ҳудудидаги чет эл инвестицияларининг барча моддий ва номоддий бойликлари ҳамда уларга доир ҳуқуқлар чет эл инвестициялари, деб эътироф этилади. Мана шуларга асосан қўшма корхона адлия бошқармаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган. Демак, у чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ҳисобланади. Унга нисбатан қонундаги имтиёзлар тўлиқ қўлланиши лозим.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг "Сарбонтекс" қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Жами ҳисобланган мулк солиғи миқдори ва устама корхона ҳисобига қайтарилиши лозим, деб топилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар бир ваколатли идора ходими ўз вазифасига масъулият билан ёндашиши лозим. Ана шунда турли тушунмовчилик ва низоларга асло ўрин қолмайди.

Жамшид ШУКУРОВ
ҳуқуқшунос

Huquqiy maslahat

"ЎЗГАРТИРИШ ҲУҚУҚИНГИЗ БОР"

Оиламиз билан 1995 йилда Қизғизистон Республикасининг Жалолобод шаҳридан Тошкент шаҳрига доимий яшаш мақсадида кўчиб келганмиз. Ҳозир фуқаролиги йўқ шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасига эгамиз. Кенжа фарзандим 12 ёшда. Унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси Қирғизистондан олинган. Ва унда исм-шарифи "Насиржон улу Шахбоз" деб қирғиз тилида ёзилган. Тошкентда уй дафтарида ва мактабда Носиржонов Шаҳбоз бўлиб рўйхатдан ўтган. Мен ўғлимнинг исм-шарифини туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида ўзбек тилида Носиржонов Шаҳбоз деб қайд этилишини истайман. Чунки паспорт олаётган вақтида муаммо туғилиши мумкин. Ушбу масалани ҳал қилиш учун қаерга мурожаат этишим керак? Бу борада менга ҳуқуқий маслаҳат берсангизлар.

Носир МАҲМУДЖОНОВ
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Гулнора БОБОЖОНОВА қуйидагича жавоб беради:

— Оила кодексининг 228-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида тузилган далолатнома ёзувларига тузатишлар киритиш ҳақидаги ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасида кўриб чиқилади. Сиз бу масалада яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига фарзандингизнинг Қирғизистон Республикасида қайд этилган туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида унинг исми, фамилиясини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг 15-моддасига мувофиқ ўзбек тилида ёздириш истагингизни билдириб ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида ФҲДЁ бўлими далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш тўғрисида асослантирилган хулоса тузиб, уни Қирғизистон Республикасидаги далолатнома ёзувини қайд этган ФҲДЁ бўлимига юбориши ва улар томонидан ўзгартириш киритилган ҳолда ўғлингизга янги гувоҳнома берилиши мумкин.

«АКЦИЯ ҲАДЯ ҚИЛИНМАЙДИМИ?»

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Бир масала юзасидан сизларга мурожаат қилиб, қонуний жавоб олиш ниятидаман. Яқинда қариндошларимдан бири Хазорасп кийимкечак бозори акциядорлик жамиятидан сотиб олган акциясини менга ҳадя қилди. Бироқ Урганч кўчмас мулк биржаси эса "акция ҳадя қилинмайди, фақат брокер орқали сотилиши мумкин", деб уни менинг номимга расмийлаштириб бермади. Шу тўғрими?

Одилбек СОТИБОЛДИЕВ,
Хазорасп тумани

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, кўчмас мулк биржасининг бу ҳаракатлари нотўғри. Чунки Фуқаролик кодексининг 502-моддасига мувофиқ, ҳадя деб шундай шартномага айтиладики, унга кўра бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ҳадя шартномасининг предметига қуйидагилар киради: фуқаролик муомаласидаги обеъктлар — ашёлар, кўчмас мулкий ҳуқуқлар, кўчар ва кўчмас мол-мулклар. Акция ҳам кўчар мулк ҳисобланади. Демак, қариндошингиз сизга ўз акциясини ҳадя қилишга ҳақли.

СУДГА МУРОЖААТ ЭТИНГ!

Мен 2000 йилнинг июн ойида Қизириқ туманида яшовчи Ўткир Аллаёровга турмушга чиққан эдим. Айрим сабабларга кўра, биз ўз вақтида ФҲДЁ бўлимидан рўйхатдан ўтмагандик. 2001 йил 29 апрелда қайнотам мендан ариза ёздириб олиб, ФҲДЁ бўлимида никоҳимизни расмийлаштирди. Лекин бизга никоҳ гувоҳномасини бермади. Мен ҳам сўрамадим. Кейинчалик турмуш ўртоғим тез-тез жанжал чиқарадиган бўлиб қолди. Ахийри, турмушимиз бузилди ва мен онамнинг уйида яшай бошладим. Ўртада 2 нафар фарзандимиз бор. Ноқонуний ажрашганимиздан сўнг никоҳ гувоҳномасини сўраб, ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилганимда, у ердагилар менга уни қайнотамдан сўрашим лозимлигини айтишди. Қайнотамдан сўраганимда, у киши бермади. Болаларимнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари ҳам қайнотамда бўлганлиги учун маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдам пули ва болалар пулини ололмаяпман. То онамнинг уйига келгунимга қадар пулларни ўзим олганман, ундан кейингиларини қайнотам олаяпти. Алимент ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу борада тегишли ташкилотларга учрадим, аммо натижа бўлмаяпти. Маҳалладан бериладиган пуллар, мол-мулк ва эримнинг номида бўлган 20 сотих томорқадан маълум қисмини болаларимга олиб беришни қонуний йўл билан ҳал қилса бўладими?

Сарвиноз ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Жарқўрғон тумани

— Оила кодексига мувофиқ, сиз ФҲДЁ бўлимидан ўзингизнинг никоҳ гувоҳномангизни олишингиз мумкин.

Маҳалладан болаларингизни пулини олиш масаласида эса, маҳалла оқсоқолига ариза билан мурожаат қилинг. Маҳалла қўмитасидагилар, албатта, ишни сизнинг фойдангизга ҳал қилишади.

Оила кодексининг 96-моддасига мувофиқ, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота(она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик идоралари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 68-бобига мувофиқ, сизнинг болаларингиз ва ўзингиз қонун бўйича мол-мулкка ва 20 сотих ерга меросхўр бўла оласизлар. Ушбу кодекснинг 1135-моддасида қайд этилишича, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Бу борада ҳам сиз фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

Демак, сиз алимент ундириш ҳамда мол-мулкдан улуш олиш масалаларида ўзингиз яшаб турган туман фуқаролик судига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ИМТИЁЗЛИ НАФАҚА ОЛАМАНМИ?»

Мен 1975 йилдан буён таълим соҳасида фаолият юритиб келаман. Умумий педагогик стажим 27 йил. 1990 йилдан қурилиш касб-ҳунар коллежида услубчи вазифасида ишлаш билан бир қаторда ярим ставкада махсус фанлар бўйича назарий дарсларни ўтиб келганман. 2004 йилда сурункали қон босими касаллиги туфайли имтиёзли нафақага чиқиш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилганимда, улар 1990 йилдан буёнгача ишлаган вақтимни иш стажимга қўшишмаяпти. Айтинг-чи, мен касаллигим учун имтиёзли нафақага чиқишга ҳақлиманми ва 14 йиллик иш фаолиятим педагогик стажига киradими?

Очил ХОЛМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани

— **"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"**ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Сизнинг умумий педагогик стажингиз 27 йил экан. Сиз ёшингиз етса, ёшга доир пенсияга чиқишингиз мумкин.

Касб-ҳунар коллежида ярим ставкада ўқитувчилик қилганингиз педагогик стажга киради. Туман ижтимоий таъминот бўлими ушбу йиллардаги ярим ставкали педагогик стажингизни ҳам инобатга олиши лозим. Аммо сурункали қон босими касаллиги туфайли имтиёзли пенсияга чиқа олмайсиз. Чунки қонунда белгиланган имтиёзли пенсия олувчиларнинг рўйхати ва тартиби сизнинг касаллигингизга тааллуқли эмас.

Шу билан бир қаторда ушбу қонуннинг 12-моддаси "к" бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларига махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилади.

Саволларга ҳуқуқшунос С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Bugunning gapi

БОШ МЕЗОН – ҚОНУНИЙЛИК

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Бундан ташқари, туман ер ресурслари хизмати бўлими мутасаддилари тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортишда МЖтКнинг 309 ва 311-моддалари талабларини атайлаб "унутиш"ган. Келинг, яна мисолларга мурожаат қилайлик.

"Аброр" фермер хўжалигида ўтказилган текшириш давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан фермер хўжалиги раҳбари Р.Тўрабоевга 2004 йил 16 мартдаги 03-сонли қарорига асосан МЖтКнинг 65-моддаси 1-қисми билан 16.320 сўм маъмурий жарима қўлланилган. Таассуфки, қарор мансабдор шахс томонидан имзоланган. Бу эътиборсизликми ёки ҳуқуқий саводсизлик?

Туман молия бўлими ходимлари 2004 йил 29 январ куни "Алишер" фирмасида назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатига асосан текшириш ўтказишган. Текшириш натижалари юзасидан далолатнома тузишган. Бироқ мазкур ҳужжат нусхаси фирма раҳбарига берилмаган. Бу билан бўлим текширувчилари **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 17-моддаси талабларини бузишган.

Ҳуқуқбузар З.Худойбердиев туман давлат санитария эпидемиология назорат маркази бошлиғининг 2004 йил 7 августдаги қарорига асосан 15.000 сўм жаримага тортилди. Бироқ у қарор билан танишгач, ҳайрон бўлиб қолди. Чунки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қарорда жарима миқдори кўрсатилмаган эди. Демак, ДСЭНМ раҳбарлари томонидан МЖтК 309-моддаси талаблари "ора йўлда" қолдириб кетилган. Энди айтингчи, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мантиқ кучи қаерда қолди? Жарима миқдори нега "жумбоқ"қа айланди?

Текшириш жараёнида тумандаги банклар томонидан мижозларга ҳисоб рақами очишда ҳам бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, "Муҳаммадали Карим ўғли" хусусий фирмаси раҳбари И.Сафаров ҳисоб рақами очишни сўраб, 2004 йил 17 ноябрда "Тадбиркорбанк"нинг туман бўлими бошқарувчисига мурожаат қилади. Мижоз учун ҳисоб рақами (?) очилади. Томонлар ўртасида тузилган банк ҳисоб варағи шартномасида бошқарувчининг ҳамда ҳуқуқшуноснинг имзолари ўрни бўш қолдирилган. Балки ҳар иккала масъул шахсларга **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 21-моддаси талабларини ҳижжалаб "ўқитиш" керакдир?!

Тадбиркорликни кенг ривожлантиришнинг асосий омили уларни ўз вақтида кредит маблағлари билан таъминлашдан иборат. Тижорат банклари томонидан ажратилаётган мақсадли кредит маблағлари кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликларига берилаяпти. Бироқ баъзан кредит ажратишда қонунбузилишга йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

"Ўктам Қаюм" фермер хўжалиги раҳбари У.Қаюмов Вазирлар Маҳкамасининг 383-сонли қарорига мувофиқ имтиёзли кредит ажратишни сўраб ёзган аризаси "Пахтабанк"нинг туман бўлимида 2004 йил 10 декабрда 1154-сон билан кирим қилинган. Аммо аризага илова қилинган бухгалтерия баланси туман ДСИ томонидан тасдиқланмаган. Ариза кредит бўлими томонидан 2004 йил 15 декабрда кўриб чиқилиб, уни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Айни пайтда 3-сонли кредит шартномаси тузилган. Лекин кредит шартномаси лойиҳасини экспертизадан ўтказганлик тўғрисида банк ҳуқуқшуносининг хулосаси берилмаган.

Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг тўлиқ ҳуқуқий асослари яратилган. Шундай экан, улар йўлига ғов бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонун ҳужжатларининг ижросини ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият таҳлил этилгач, туман ҳокими номига киритилган тақдимномада ҳам камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги талаб қатъий қилиб қўйилди. Шуни унутмаслик керакки, тадбиркорларни, бизнес ва хусусий сектор вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими аниқ мақсад сари дадил одимлаяпти.

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида Президентимиз Ислом Каримов тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ орасидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш фурсати етганини яна бир бор таъкидлади. Бу ҳақиқат ҳар биримиз учун дастуриламал бўлиши шарт.

Мардон МАҲМУДОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

E`tirof

ЭЗГУЛИК РЎЁБИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Аммо истиқлолимиз тамойиллари, тадбиркорлик ва бозор муносабатларининг кўпгина нозик жиҳатлари, одамларнинг туриш-турмушига ниҳоятда қизиқади.

Шу боис давр нафасини бир қарашдаёқ сезади, унга суянган ҳолда эртанги кунни ҳам аниқ кўради. Мамлакатимиз қонунларини ҳамиша ўзига паноҳ ва мадад деб билади. Фермерликнинг эртаси хусусида кўплар мужмал ўй-фикрлар гирдобида юрган чоғлардаёқ Жумабой аканинг йўли алланақачон равшан тортиб бўлган, фермерликка қатъий бел боғлаганди.

1992 йили Овшар қишлоғида илк фермер хўжалиги пайдо бўлди. Уни Жумабой ака ташкил этди. Бу наинки мазкур қишлоқ ёки Хоразм вилояти, балки юртимиздаги қалдирғоч фермер хўжаликларидан бири эди.

Элдошларининг гапига қараганда, Жумабой ака топганини сандиққа жойлаб, еб ётадиганлар тоифасидан эмас. Қўлига бир сўм пул тушса-да, уни "темир-терсак"ка (фермер техникани жўнгина қилиб, ана шу ном билан атайди), ерини парваришлашга сарфлайди. Умр йўлдоши, ўғил-қизлари ва келинларидан иборат ишчи кучи — 1992 йили таркиб топган фермер хўжалигининг бор бисоти бўлиб келган. Ҳалол ва сидқидилдан қилинган меҳнат туфайли ишчи кучлари сонини кўпайтиришга деярли ҳожат қолмади. Бошқача айтганда, ишчи кучлари ўрнини ҳалол меҳнатнинг пулига келган беминнат дастёрлар — турли-туман, катта-кичик техника воситалари эгаллади. Эндиликда фермер ўзининг ҳайдов ва чопиқ тракторлари, битта эмас, иккита сув насосига эга. Жами 17 гектар экин майдонидан иборат фермер хўжалиги учун булар бемалол кифоя қилади. Деҳқончиликдан келган мўл сармоя дастлабки кезлар зарур техника воситалари ва анжомлар сотиб олишга, бу билан равнақ омили — хўжаликнинг ишончли моддий пойдеворини яратишга сарфланган бўлса, сўнгги йиллар даромади чорвачилик фермасини шакллантиришга харжланаяпти. Ўтган йили паҳта майдонларининг ҳар гектаридан 37 центнер хирмон кўтарилди. Бу — фермер хўжалиги билан ёнмаён деҳқончилик қилган собиқ "Эркин" ширкат хўжалиги етиштирган ҳосил салмоғидан ҳар гектарига ҳисоблаганда, 10 центнер кўп демак. Гектарига 35-40 центнер паҳта. Бу — "Чуйник" 1992 йилдан буён эришиб келаётган доимий марра.

— Ўтган йили сарф-харажатлар аввалги йиллардагидан анча кўп бўлди, — дейди фермер. — Соф фойда салмоғи бирмунча ортгани туфайли йириккина фермахона қурилишини бошладик.

Ҳа, шундай. Фермахона ҳозир "Чуйник"ка сув билан ҳаводек зарур. Нега деганда, фермер қарамоғидаги қорамоллар сони ўтган йил охирига келиб 30 бошга, қўйлар 50 бошга етди. Улар учун алоҳида бошпана зарур. Қолаверса, чорва бош сони истиқболда ҳам муттасил ўсиб боради.

Гап шундаки, ўтган йили фермер хўжалиги ўзининг мўъжазгина сув омборига эга бўлди. Унинг лиммо-лим суви об-ҳаёт тақчил ёки унга эҳтиёж ортган маҳалларда далага оқизилади. Ҳавза фақат сув учун десангиз, янглишасиз. У айни пайтда балиқчилик учун ҳам қулай манбага айланган. Фермахона, сув-балиқчилик ҳавзаси қурилиши, дала шийпони учун харид қилинган анжомлар, хайрия тариқасида инъом этилган 150 минг сўмга яқин маблағ, бошқа талай харажатлар соф сармоя ҳисобидан қопланди. Шундай бўлсада, фермернинг чўнтаги бўшаб қолгани йўқ. Ўтган йилги ва 2005 йил сарф-харажатларидан зиёда 1 миллион сўмлик заҳира маблағи банкдаги жорий ҳисобида сақланаяпти.

Эл-улус ҳалоллик ва инсонийликни ҳар нарсадан устун қўяди ва уни бир пасда илғаб ҳам олади. Илғайдигина эмас, доимо қадрлайди. Ҳалол меҳнат ҳам ҳамиша эъзозда.

... Чор-атрофда баҳор, юртимизда Наврўз нафаси кезинмоқда. Эзгу ҳис-туйғулар, баҳорий тоза орзу-умидлар жўш уради киши қалбида. Юртга тўкинлик, одамларга яхшилик, некбинлик тилагинг, бор эзгу туйғуларни элнинг фидойи инсонлари, яқинларингга бағишлагинг келади.

Ўзбекистонимизда фидойи меҳнати, омилкорлигу, ишбилармонлик истеъдодини эл-юрт равнақига бағишлаган Жумабой ака ҳам ана шундай иззат-икромга сазовор инсон. Юртимизнинг барча деҳқончорвадорлари, тадбиркорлари қатори у кишига ҳам доимо жўшқин баҳорий кайфият, наврўз хурсандчилигини тилаймиз.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

ЕР ҚАДРЛАГАННИ ҚАДРЛАЙДИ

Асл деҳқон йил билан йилнинг, ер билан ернинг фарқини яхши билади. Ахир, ерга экинни экиб қўйган билан иш битмайди-да. Деҳқон сўзи билан айтганда, ҳар қандай экинга парвариш керак. Парвариш бўлганида ҳам вақтида, намунали...

Ўтган қишлоқ хўжалик йили деҳқонларимиз учун жуда қулай келди. Юртимизда минглаб фермер хўжаликлари шартнома шартларини ортиғи билан уддалаб, ўзлари етиштирган ҳосил билан мамлакатимиз иқтисодий қуввати ошишига ҳисса қўшишди.

Жомбой туманидаги "Достонбек-2" фермер хўжалиги ҳам шартномадаги ҳосилни топшириб, юзи ёруғ бўлган фермерлар сирасига кириши мумкин эди. Чунки фермер хўжалиги йил давомида аниқ режа билан иш бошлаганди. У "Жомбой пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан 2004 йилнинг 6 январида 436-сонли контрактация шартномаси тузганди. Шартномага кўра, фермер хўжалиги давлат эҳтиёжи учун 27,8 тонна паҳта етиштириб бериш режалаштирилганди.

Афсуски, фермер хўжалиги аъзолари имконият бўлатуриб, ишга совуққон муносабатда бўлишди.

Очиғи, дангасалик қилишди. Ғўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ҳосил-йиғим терими палласига келиб қўшни фермер хўжаликлари шартномавий режаларини ортиғи билан бажаришди. Аммо "Достонбек-2" фермер хўжалиги қозонига солинган чўмич тўлиб чиқмади. Режадагидан 5,8 тонна кам ҳосил олинди.

Агар фермер хўжалигининг корхонага етказиб бермаган 5,6 тонна паҳтани пулга чақадиган бўлсак, 1 миллион 305 минг 450 сўмни ташкил этади, унинг 25 фоиз жарима миқдори эса 326 минг 362 сўм демакдир.

Самарқанд вилоят хўжалик суди даъвогар — "Жомбой пахта" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарорни чиқарди. Фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар фойдасига 336 минг 963 сўм жарима ундирилди.

Бир қарашда, масала ечим топган кўринади. Негаки, шартномага интизомсизлиги туфайли фермер хўжалиги хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан жаримага тортилди. Бу ўзини билган одамга етарли жазо. Лекин шу ўринда ҳақли савол туғилади: шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига ким айбдор?

Саволга жавоб топиш қийин эмас. Бугунги фермер аввало, ташкилотчи, ишбилармон, тадбиркор, ўз соҳаси, яъни деҳқончиликдан яхши хабардор бўлмоғи, қўл остидагиларни ишга жалб эта оладиган, муаммо ва камчиликларни вақтида ҳал этишда қодир бўлмоғи керак. "Достонбек-2" фермер хўжалиги раҳбари Р.Эшонқуловда ана шу фазилатлар етишмаган кўринади.

Суд фермер хўжалиги раҳбари Р. Эшонқуловнинг бу ҳаракатсизлигини «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 171-1-моддаси билан тавсифлади. Унинг мулкий аҳволини инобатга олиб, шу кодекснинг 33-моддасини қўллаб энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солинди.

Тумандаги "Орзу" фермер хўжалиги раҳбари М.Очилов ҳам хўжалик судининг қарори билан маъмурий тартибда жаримаган тортилди. М.Очилов раҳбар бўлган фермер хўжалиги ҳам "Жомбой пахта" очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан тузилган контрактация шартномаси шартларини бажармаган. Корхонага шартномадагидан 5,9 тонна кам, яъни 1 миллион 325 минг 250 сўмлик пахта етказиб бермаган. Суднинг ҳал қилув қарори билан "Орзу" фермер хўжалиги ҳисобидан акциядорлик жамияти фойдасига 331 минг 312 сўм жарима ундирилган.

Уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи, техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилаётган, банк муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар билан қўллаб-қувватлаб турилган бир шароитда шартномада кўзда тутилган даражада ҳосил ололмаслик дангасаликдан бошқа нарса эмас. Бундан бошқалар ҳам сабоқ чиқариши лозим.

Зулхумор МУҲИДДИНОВА,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Jamiyatimiz maqsadi

ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ – ЖАВОБГАРЛИКДАН ОГОҲ ЭТИШ

Иккинчи мақола

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бу (ҳукм) Роббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир" дейилган. Мазкур оят мазмунидан жиноятчига нисбатан ўлим жазоси қўллашдан кўра уни авф этиш, яъни бошқа енгилроқ жазо — хун ёки товон тўлаш мажбуриятини юклашни Оллоҳнинг ўзи ихтиёр этган, деган маънони англаш қийин эмас.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, ўрта асрларда ўлим жазоси асосий жазо тариқасида аксарият жиноятлар учун қўлланилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Мисол учун айтадиган бўлсак, Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозный деб ном олган Иван IV даврида (1550 йил) қабул қилинган "Суд" ҳужжатида 60 турдаги жиноятларга ўлим жазоси кўзда тутилган.

XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давларда жаҳондаги давлатлар томонидан ўлим жазосини кўп қўллаш билан боғлиқ амалий тажриба жиноятчиликка, айниқса, унинг ўта оғир турлари, жумладан, айбни ўтар оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жиноятига барҳам бера олмади. Шу сабабли амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида инсон ҳаёти бузилмас ва ҳеч қандай куч билан ажратилмас бойлик; бу жазо ўта оғир жиноятга мойил инсонларни қўрқитиш ва жиноятдан сақлашга асос бўла олмайди; ўлим жазосини қўллашда хатога йўл қўйиш тузатиб бўлмайдиган оқибатга олиб келиши мумкин; ўлим жазоси маҳкумни тузатиш тамойилини йўққа чиқаради, деб ўлим жазосини қўллаш билан боғлиқ амалиётга чек қўйиш керак, деган хулосага келинди. Зеро, ўлим жазоси мавжудлиги билан боғлиқ жазолашдаги шафқатсизлик фақат шафқатсизликни келтириб чиқариши амалда ўз исботини топди. Қолаверса, давлатларнинг ўлим жазосини бекор қилишига судлар томонидан бу тоифадаги ишларни кўриб чиқишда тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйилгани ҳам сабаб бўлди. Ноқонуний тергов усулларини қўллаш ва сохта гувоҳликлар асосида ўлим жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг кейинчалик батамом оқланганига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўлим жазоси тўғрисида фикр юритганда, ўтган асрнинг 30-50 йилларида собиқ шўро тузумининг тоталитар ҳуқуқ тизимида ҳам бу жазонинг сақланган, 20 миллион нафар кишининг "қатағон қурбонлари"га айланганини эсга олиш жоиз. 80-йиллардаги "пахта иши", "ўзбеклар иши" баҳонасида ўлим жазосига маҳкум қилинган юртдошларимизнинг Президентимиз Ислом Каримовнинг мардонавор саъй-ҳаракатлари туфайли оқланган ҳам тарихий ҳақиқатдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният цивилизациясининг янги даври бошланиб, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги, жумладан, ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этилди. Хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги белгиланган бўлса, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»да яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи экани кафолатланади, дейилган.

Мамлакатимиз моҳият жиҳатдан ҳуқуқий давлат, мазмунан фуқаролик жамият қуриш йўлини танлади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида эса қонун устуворлигидан кўра қонун ҳукмронлиги муҳим аҳамиятга эга. Қабул қилинган қонунларнинг амалга қўллашда барча — юридик ёки жисмоний шахсларнинг қонунлардаги меъёрларга риоя қилишини таъминлашга эришилгандагина жамиятда шахснинг эркинлигига дахлдор ҳуқуқлари рўёбга чиқади. Шу боис мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислоҳотлар замирида ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга мослаштиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида босқичма-босқич тамойили асосида жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташланаётганини эътироф этиш жоиз.

Фикримиз исботи тариқасида айтадиган бўлсак, 1995 йилгача амал қилинган Жиноят кодексида 33 та жиноятга ўлим жазоси кўзда тутилган эди. Кейинги Жиноят кодексида эса 13 таси сақлаб қолинди, яъни 20 та турдаги жиноятдан ўлим жазоси олиб ташланди. Аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар ва вояга етмаганларга нисбатан бу жазо қўлланилмайди. Шунингдек, ўлим жазоси авф этиш тартибида йигирма беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилиши мумкин (ЖКнинг 51-моддаси) Жиноятга оид қонунчиликни эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш масаласини муҳокама қилиш чоғида Президентимиз Ислом Каримов **ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган бўлишини, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланишини** алоҳида таъкидлаган эди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жиноий жазоларни либераллаштиришдан кўзланган яна бир мақсад ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятларни қисқартириш тўғрисида шундай фикр билдирган эди: **"Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида "ўлим жазоси" масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси қўлланиладиган** ҳар қандай пайтда ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, амалиётда қўлланилмайди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Ўлим жазосини бекор қилиш ўта мураккаб масала бўлиб чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, биринчи навбатда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, чунки бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўлим жазосининг бекор қилинишига қарши"** деган фикрига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Нега деганда, ўлим жазосини бекор қилиш масаласини аҳолига тушунтириш жараёни бир неча босқични ўз ичига олиши мумкин. Ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ масала нафақат ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, шунингдек, сиёсатшунос, диншунос, психолог, тарихшунос ва бошқа соҳа олимларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатини тақозо этади. Фикримизча, аҳолига бу борада тушунтириш ишларини амалга оширишда дастлаб турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий-маърифий ишлар билан боғлиқ тадбирлар дастури ишлаб чиқилиши лозим. Бу вазифани мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги ва Республика «Маънавият ва маърифат» маркази зиммасига юклатилса, айни муддао бўлар эди.

Ўта оғир жиноят содир этган (айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм) маҳкумларга ўлим жазоси ўрнига умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалани ҳал этишга навбат етганида, Жиноят кодекси, Жиноят ижроия кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъект томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали муҳокама қилинади. Кейин эса Сенатда маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланганидан сўнг қонуний ҳал этилган бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси ўрнига суд томонидан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбуслар жазони алоҳида колонияда ўташи лозим бўлгани сабабли уларни сақлаш билан боғлиқ жазони ўташ муассасини қуриб битказиш учун бюджетдан тегишли маблағ ажратилиши ва бинони тайёрлаш ҳам маълум муддат талаб этади. Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳуқуқий жараёнлар 2-3 йил ичида амалга ошиши мумкинлигини билдирди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, инсон ҳаёти дунёдаги энг олий қадрият ҳисобланади. Зеро, ҳаёт ҳар бир инсонга бир маротаба берилади, шунинг учун ҳам ундан инсонни маҳрум этишга ҳеч ким қодир эмас, деган тушунчани барчанинг онгига сингдириш пайти етиб келди. Шу боис барча ислоҳотлар ва қонунлар инсон манфаатларига хизмат қилишини назарда тутсак, ўлим жазосининг жазо тизимидан олиб ташланиши ҳар томонлама адолатлидир. Зотан, жазонинг асосий мақсади шахсга жавобгарликнинг муқаррар эканини англатишдан иборат.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Huquqiy ma`rifat

АППЕЛЯЦИЯ ИНСТИТУТИ: ИНСОН ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Аниқроқ айтганда, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини суд жараёнида ҳимоя қилиш имкониятини янада кенгайтирди.

— Аппеляция судида биринчи инстанция судининг ҳукми ўқилиб, ҳали кучга кирмасдан бурун унинг нечоғли ҳаққонийлиги текшириб кўрилади, — дейди Олий суд судьяси Дилбар Суюнова. — Муҳими, аппеляцияда судланувчига нисбатан аввал тайинланганидан оғирроқ жазо берилмайди. Аксинча, тегишли асослар мавжуд бўлса, биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиниб, оқлов ҳукми чиқарилади. Зарурат туғилса, иш қўшимча терговга ёки судда қайтадан кўриш учун юборилади. Иш бўйича камчиликлар аниқланмаса, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади. Шунингдек, аппеляция инстанцияси қарорлари эълон қилиниши билан қонуний кучга киради.

Бундан ташқари, аппеляция судида тарафларнинг фикри тингланиб, ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги таҳлил этилади. Тарафлар янги гувоҳларни чақириши, экспертиза ўтказиш, биринчи инстанция суди томонидан текшириб кўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақли. Аппеляция суди уларни ҳал этиш жараёнида биринчи инстанция судининг фикрига таянмасдан, мустақил қарор чиқаради.

Аппеляция тартибида маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи ва унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан белгиланган муддат (ўн кун) ичида шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосари эса протест билдиришга ҳақли. Амалиётда аппеляция фуқаролар учун фақат қулайлик яратаётир. Масалан, жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туманлараро судида кўрилган бир ишда фирибгарлик йўли билан ўзгага тегишли мол-мулкни талон-тарож этган шахс етти йилга озодликдан маҳрум этилиб, етказган зарарини тўлаши белгиланган эди. Судланувчи вазиятнинг бу даражага бориб етишини кутмаган шекилли, етказган зарарини судгача тўламаган экан. Аппеляцияга оид қонун-қоидалардан хабар топгач, етказган зарарини тўлаб, ҳукмнинг ўзгартирилишидан ҳақли равишда умидвор бўлди.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида қонунчилигимизда жиноятларнинг таснифи тубдан қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирилмоқда. Ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи ҳамда ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳаракатлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилди. Натижада фақат сўнгги икки ярим йил ичида катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қонунбузарликка йўл қўйган беш минг нафарга яқин киши озодликда қолдирилди ва улар томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги моддий зарар қопланди. Юқорида қайд этилган ҳолатда ҳам судланувчи ва ёки ҳимоячи ўтказган, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчиларнинг розилиги билан қамоқдан озод қилиниб, ахлоқ тузатиш ишига жалб этилди.

Фарғона вилоятининг жиноят ишлари бўйича Риштон туман судида кўрилган яна бир иш ўлим билан боғлиқ. Бу воқеа ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидасини қўпол равишда бузиши оқибатида юз берган. Суд ҳукми билан айбланувчи тўрт йилга озодликдан маҳрум этилган. Аппеляция суди мазкур ишга оид далилларни қайта таҳлил қилиб, унга оғир жазо тайинланган, деган хулосага келди. Чунки мазкур жиноят қасддан эмас, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган. Бунинг устига ҳайдовчи жабрланувчини ўз вақтида шифохонага олиб бориб, қолидан келганча ёрдам кўрсатган. Суд ушбу далилларни ҳамда судланувчининг қилмишидан пушаймонлиги, вояга етмаган икки нафар фарзанди борлиги, жабрланувчининг оила-аъзолари даъвоси йўқлигини ҳисобга олиб, ҳукмни ўзгартирди. Унга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Кўриниб турибдики, соҳадаги кенг кўламли ислоҳотлар туфайли жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари кучайтирилиб, амалда қўлланилишига жиддий эътибор қаратилаётир.

Бугун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий доктринаси мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У энг аввало, мамлакатимиз Конституцияси талабларига биноан инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлигини оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англаб етишига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги эса жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Faoliyat

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан 2005 йил "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилинди. Бунинг замирида бир олам ҳаёт мазмуни мужассам. Зотан, инсоннинг саломатлигини асраш, соғлом турмуш тарзи ва келажак авлодинг баркамоллигига эришиш жамиятимизнинг асосий мақсадлари ҳисобланади. Бундай эзгу мақсадларнинг рўёби эса жамият пойдевори бўлган оиладан бошланади. Чунки соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади ва шундай оилада соғлом турмуш тарзи ҳукмрон бўлади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ГАРОВИ

Яна шуни таъкидлаш жоизки, оилалар мустаҳкамлигида ҳам саломатлик масаласи беқиёс аҳамиятга эга. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йилнинг 25 август куни қабул қилинган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги Низом ҳам айни шу мақсадларни назарда тутади. Мазкур ҳужжатга асосан Наманган шаҳридаги 6 та поликлиникада "Оила ва никоҳ" марказлари ташкил этилди. Тиббий кўрикни намунали амалга ошириш мақсадида уларга беш йўналиш бўйича малакали врачлар жалб қилинди. Айни кунларда шифокорлар ўзларига юкланган вазифаларни сидқидилдан бажармоқдалар. Бундан ташқари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ҳузурида ҳам никоҳланувчи ёшлар учун мунтазам фаолият кўрсатадиган қисқа муддатли тиббий ўқув курслари бўлажак келин-куёвлар учун ташкил этилган. Ўтган йил шаҳримиз бўйича жами 2489 та никоҳ расмийлаштирилиб, тиббий кўрикдан ўтказилди. Эзгулик йўлида бошланган тадбир ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, ёш оилалар ўртасидаги ўзаро "қўйдичиқди"лар сони кескин камайди. Ўтган 2003 йилда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан жами элликта никоҳ расмий равишда бекор қилинган эди. Бу кўрсаткич ўтган йили 36 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, ФҲДЁ, шаҳар халқ таълими бўлими ва 1-марказлашган шифохонаси маъмурияти ҳамкорлигида бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар ўртасида учрашувлар ўтказилди. Уларда ёшларни оилага, турмушга тайёрлаш борасида дастлабки тушунча ва оила билан боғлиқ қўплаб масалалар муҳокама этилди. Оила жамиятнинг пойдевори ҳисобланади. Шу боис оилани авайлаб-асраш ҳар бир кишининг масъулиятли вазифасидир.

Назирахон ПЎЛАТОВА,
ҳуқуқшунос

Turmush chorrahalarida

Одамзот боласи бу дунёда бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиб яшайди. Шу боис инсонийлик меҳр-оқибатда намоён бўлади. Меҳр-оқибатсиз одам — эл-улуснинг назаридан бебаҳра кимса. Модомики, меҳр-мурувват инсонийлик мезони экан, уни бажо келтирмаслик одамийликка исноддан бўлак ҳеч нарса эмас.

ИНСОНИЙЛИК ТАЛАБИ

Яқинда Хоразам вилояти судида иккита низоли иш кўриб чиқилди. Икковининг ҳам мазмун-моҳияти бир хил — меҳрсизлик.

Суд ҳужжатларида қайд этилишича, 2003 йилнинг 31 декабр куни Хазорасп тумани ҳудуди бўйлаб ўтган катта йўлда ҳайдовчи Саъдулла Қаландаровнинг "ВАЗ-2106" ва Баҳодир Машариповнинг "Тико" русумли автомашиналари тўқнашиб кетган. Бунга "Жигули" автомашинасини бошқарган С.Қаландаровнинг ножўя хатти-ҳаракати сабаб бўлган. Оқибатда "Тико"нинг эгаси Б.Машарипов 22 кун, унинг турмуш ўртоғи Хадича Сайдаматова эса 26 кун шифохонада даволанишган. Оилага тегишли автомашина жиддий шикастланган.

Бундай пайтда дил яраси ҳам, тил яраси ҳам меҳр-оқибат туфайли шифо топади. Меҳр-оқибат ҳатто айбни ҳам ювади. Икки бегуноҳ кишини сал бўлмаса ҳаётдан жудо этаёзган ҳайдовчи С.Қаландаров буни қалбан ҳис этиши, жабрдийдаларга меҳр-оқибат кўрсатиши зарур эди. Аммо у бундай қилмади. Ҳалокат чоғи тўрт мучали соғ-омон қолса-да, шифохонада ҳаёт билан олишиб ётган икки жабрдийдадан меҳр ва эътиборини дариғ тутди. "Шифо топарсиз", дея берган 40 минг сўм пули даволаниш харажатлари учун ҳатто урвоқ ҳам бўлмади. Энг ачинарлиси, 40 минг сўмни бергач, у қорасини ҳам кўрсатмай кетди.

Ҳаётда пул ҳеч маҳал одамийликдан устун бўлолмайди, унинг ўрнини ҳам босолмайди. Аммо жабрланганларнинг соғлиғини тиклаш йўлида жавобгар томонидан беминнат ва бегараз сарфланган сариқ чақа ҳам кези келганда инсонийликка қиёсланиши мумкин. Афсуски, С.Қаландаров меҳр-оқибатни пулдан устун қўёлмади. Балки ҳам жисми, ҳам дили шикаста бўлган жабрланувчиларнинг соғлиғини тиклаш учун сарф-харажатларга жавобгарнинг қўли калталик қилгандир? У ҳолда икки оғиз ширин сўз билан уларнинг кўнглини олса бўлар-ди-ку? Халқимиз **"Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг бўлсин",** дея бежиз айтмаган. Таассуфки, Саъдулла буни ҳам удда қилолмади. Жабрланувчиларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришда давом этди. Алданиш, соғлиқнинг бузилиши ва ўз шахсий машинасига етказилган оғир шикаст охир-оқибат Машариповлар оиласининг сабр косасини тўлдирди. Тан жароҳати, дил жароҳатига айланди. Ва улар охир-оқибат судга мурожаат этишди.

Суд ушбу ҳолатларнинг барига тегишли баҳо берди. Жабрланувчиларнинг ҳам, қоидабузарнинг ҳам оилавий ва турмуш шароитини ҳисобга олди.

Даъвогарлар соғлиғини тиклаш учун 288 минг сўм харжлашганини билдириб, етказилган маънавий зарар учун ҳам 2 миллион сўм товон пули талаб қилишганди. Суд даъвонинг ушбу қисмини ҳам чуқур ўрганди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyat va jazo

Ҳаётда ҳеч қачон пул осмондан чалпак каби ёғилмайди. Уни ҳамиша пешона тери эвазига ҳалол меҳнат қилиб топиш керак. Зотан, шундагина топилган бойлик кишига таътийди. Лекин ҳаётда айрим нопок кимсаларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, мўмай пул илинжида ўзини ҳам ўтга, ҳам чўққа уришдан қайтмайдиган кишилар ҳам афсуски, учраб туради. Бундай кимсалар текис ва равон йўл қолиб, тиканли сўқмоқларга кириб қолган одамга ўхшайди. Афсуски, бу йўлнинг боши берк бўлиб, киши бошига ғамташвишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.

АЛДОВ ТЎРИ

СУД ОЧЕРКИ

I. ЛАҚМАЛАР

Албатта, фирибгарлик йўлига кирган кимса ҳамиша пайт пойлаб, ўта усталик билан иш тутади. Шунинг учун у қўйган тузоққа топганига қаноат қилмайдиган, енгил-елпи йўллар билан мўмай пул топишга муккасидан кетган кимсалар осонгина илинади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли "Махсустранс" корхонасида омилкор бўлиб ишловчи Дилшод Зокировнинг ҳам топиш-тутиши, яшаши ҳеч кимдан кам эмасди. Шундай бўлса-да, эндигина 24 ёшни қаршилаган йигит текин пул топиш, бир зумда бойиб кетиш ҳақида ўйлай бошлади. Кўр кўрни қоронғида топади, деганларидек, 2004 йилнинг баҳор кунларидан бирида Дилшод Эркин деган йигит билан учрашиб қолади.

— Астана шаҳридан акамнинг "Коминсет" хусусий фирмасига ишчилар ёллаш учун келгандим, — дейди Эркин суҳбатдошини кўнглига қўл солиб кўраркан, — шу иш билан шуғулланадиган одам излаяпман. Шуни ҳал этишга ёрдам бермайсанми?!

Унинг бу гапи Дилшодга бирдан ёқиб тушади. Шунинг учун у ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб беради:

— Сиз излаган одам мана мен бўламан! Ҳар қандай ишни бажариш қўлимдан келади. Айт, нима қилиш керак?!

Буни қарангки, вазифа жуда оддий бўлиб чиқди. Шартга кўра, Дилшод қурилишда ишлайдиган одамларни ёллайди ва чегарадан олиб ўтиб, Эркинга топширади, тамом-вассалом. "Коминсет" хусусий фирмасининг муҳри ва тамғаси туширилган махсус шартнома бланкаларида эса ҳар бир ёлланма ишчига ойига 300 дан 600 АҚШ долларигача маошдан тортиб, ётоқхона, кунига уч маҳал ошхона ва бошқа иш анжомларигача берилиши кафолатланган эди. Ёлланма ишчиларга эса бор-йўғи ўзлари билан паспорт ва йўлкира учун 15.000 сўм пул олса, бўлди.

Қисқаси, шу учрашувдан сўнг Дилшод худди эртакдагидек сингари бир думалаб, "Коминсет" хусусий фирмаси ходимига айланди-қолди.

Дилшоднинг фирибгарлик тўрига биринчи бўлиб, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Бодомзор даҳасида яшовчи Сергей Попов (маълум сабабларга кўра, айрим жабрланувчиларнинг исм-шарифи ўзгартирилган) илинди. Ойига 300 дан 600 АҚШ долларигача пул олиш мумкинлигини эшитган Сергей у ёқ-бу ёғини суриштириб ҳам ўтирмай ўзини Дилшод Талъатович деб таништирган номаълум кимсанинг қўлига 60.000 сўмни қуртдай санаб берди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ СУДИ (ICC)

XX асрнинг сўнгги йилларида жаҳон ҳамжамиятининг умумҳуқуқий ҳаётида алоҳида ўрин тутган кўпгина воқеалар содир бўлди. Шулардан бири 1998 йил Италия пойтахти Римда доимий фаолият юритувчи Халқаро жиноят суди Статути (ICC)нинг қабул қилинишидир.

Маълумки, 1945 йил 8 августда шароит тақозоси тамойили асосида вақтинчалик суд органи сифатида немис фашист жиноятчиларини жазолаш учун Нюрнберг (Нюрнберг жараёни) 1946 йил 14 январда Токио ҳарбий трибуналлари таъсис этилганди. Мазкур трибуналлар ўз "ваколатлар"ини маълум даражада бажарди. 1991 йил собиқ Югославия, 1994 йил Руанда давлатлари ҳудудида содир этилган хунрезликлар бу ерларда ҳам махсус трибуналлар ташкил этилишига сабаб бўлди. Шундан сўнг жаҳон ҳамжамияти мустаҳкам ташкилий тузилмага эга ҳамда доимий фаолият юритувчи Халқаро суд ташкил этиш ҳақида тўхтамга келди. Натижада 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Халқаро ҳуқуқ комиссиясига Халқаро жиноят суди статути лойиҳасини тузиш тўғрисида таклиф киритди. Халқаро ҳуқуқ комиссияси эса БМТга мурожаат қилиб, бўлғуси суд идорасининг лойиҳаси ва у тўғрисидаги халқаро Конвенцияни муҳокама ҳамда қабул қилиш учун халқаро конференция чақириш режасини таклиф этди. БМТ Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида ХЖС мақомига тегишли бўлган ташкилий масалалар ва таклифларни қабул қилиш билан шуғулланувчи махсус қўмита ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ХЖС ташкил этилишининг асосий сабабларидан бири бутун дунёда энг муҳим ва глобал аҳамиятга эга бўлган, айниқса, инсоният ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган халқаро жиноятларнинг кўпайганлигидир. Бундан ташқари, халқаро юристпруденцияда одил судловнинг мукаммал механизмига эҳтиёж сезилаётганди.

1998 йил 17 июлда Римда Дипломатик Конференциянинг мухтор вакиллари БМТ ҳомийлигида ХЖСнинг Рим Статутини қабул қилиш тўғрисида Халқаро анжуманга йиғилишди. Конференцияда 160 давлат делегатлари иштирок этишди. Статутни қабул қилиш жараёнида 120 давлат холис, 21 давлат бетараф, 7 давлат қарши сифатида иштирок этди.

Конференция қатнашчилари дастлаб суднинг юрисдикциясига фақат геноцид жиноятини суд қилиш ваколатини қолдиришни ёқлаб чиқишди. ХЖС Статути Преамбуласида мазмунан тўлдириш тамойили белгилаб қўйилган. Яъни ушбу Статут қоидаларига асосланиб тузилган ХЖС давлатлар миллий юрисдикция суд идораларининг ўрнини тўлдирувчи воситадир. Бунинг маъноси шуки, агар бирор-бир давлатда ХЖСлари юрисдикциясига кирадиган жиноятларга нисбатан жазо тайинловчи суд ташкил этилмаган бўлса ёки мавжуд бўлса-да, ўз вазифасини тўлатўкис бажара олмаса, уларнинг ўрнига Статут қоидаларга биноан ХЖСлари фаолият юритади. Бу ўринда ХЖСларининг давлатлар миллий судларни рад этишлари тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек, Статутнинг 17-моддасида аниқ бир шахсга у содир этган қилмишга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов олиб борилаётган ёки тергов тугатилган бўлса; аниқ бир шахс содир этган қилмиши учун судланиб бўлган бўлса; қилмиш кам аҳамиятли бўлгани сабабли суд томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ўзини оқламаса, улар ХЖСда кўрилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

ХЖС статути 126-моддадан иборат бўлиб, юридик жиҳатдан жуда мураккаб ҳужжат ҳисобланади. Чунки унда жиноят, жиноят процессуал ҳуқуқи, судда иш юритишга оид, суд фаолиятини таъминловчи давлатлар ҳамкорлигига бағишланган қоидалар мавжуд. Иммунитет ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадиган шахсларнинг жавобгарлиги Статутдаги энг мунозарали масалалардан биридир. Аммо Статут қоидаларига биноан миллий ёки халқаро ҳуқуқ бўйича дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда уларнинг иммунитет ҳуқуқи инобат олинмайди. Статут қоидалари шахсларнинг расмий мақомидан қатъи назар, ҳамма учун бир хилда қўлланилади.

ХЖС таркибий тузилиши суд раёсати, апелляция бўлими, суд бўлими, Прокурор девони ва котибият бўлимларидан иборат. ХЖС 18 нафар судьялардан иборат бўлиб, барча ахлоқий талабларга жавоб берадиган, олий маълумотли ва етук билимли, тажрибали, ўз давлатларида юқори суд лавозимларида ишлаб келган ҳамда халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассис бўлган бўлиши лозим. Судьялар 9 йиллик муддатга сайланади.

Прокурор девони суд таркибидаги мустақил орган бўлиб, унга Бош прокурор раҳбарлик қилади, ўз ваколати доирасида фақат жиноят ишлари бўйича терговни амалга оширишга жавобгар ҳисобланади. Улар Статут иштирокчиси бўлган давлатлар томонидан 9 йиллик муддатга сайланади. Статутининг 14-моддасига биноан, Прокурор девони аъзо давлатларнинг ХЖСга бевосита мурожаат қилишларини таъминлайди, яъни Статутга аъзо давлатлар шу девон орқали ХЖСга мурожаат қилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур суд халқаро ҳамжамиятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига қаратилган энг жиддий жиноятларни амалга оширган шахсларга нисбатан одил судловни амалга оширувчи доимий орган сифатида ташкил этилган. Бундан ташқари, халқаро хусусиятга эга бўлмаган қуролли можаролар даврида содир этилган ҳарбий жиноятлар ҳам Суд юрисдикциясига киритилган. Статут жиноят ҳуқуқининг умумий тамойилларига бағишланган махсус бўлимга эга. Суд жиноят содир этиш вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларни суд қилиш ваколатига эга эмас.

Адҳам ОДИНАЕВ,
Беҳзод АЛИХОНОВ

Шундай урф-одат, анъана ва байрамлар борки, улар қадим-қадимдан халқ маънавияти ва ҳаёт тарзининг ажралмас бўлагига айланиб кетган. Улардан бири — Наврўздир. Тарихий манбаларда Наврўз ҳақида кўп ёзилган. Унга "йилбоши", "янги кун" сингари таърифлар берилган. Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий каби ижодкорлар асарларида ҳам бу байрам гўзал ташбеҳлар билан тараннум этилган. Бу унинг тарихи халқимиз кечмиши ва маънавияти билан чамбарчас боғланиб кетганини кўрсатади.

Qadriyatlarimiz

ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

Ўтган асрда собиқ шўро мафкураси Наврўзни расман таъқиқлаб қўйгани билан бу байрамга алоқадор бўлган урф-одатларимиз ва миллий қадриятларимизни бутунлай йўқотолгани йўқ. Зеро, Наврўз оддий байрам эмас, балки элнинг тантилиги, адолатпешалиги, меҳр-муҳаббатини намоён этадиган халқона сайл ҳамдир.

Негаки, айнан Наврўз арафасида табиат бор саховатни кўз-кўз этади. Кўкариш ва янгиланиш фасли бошланади. Борлиқ танига гўёки янги қон, янги куч-қудрат қўшилади. Қаҳратон қишдан жунжикиб чиққан одам кўклам қуёшидан роҳатлана бошлагач, кўнгилда ҳам байрам ҳисси уйғонади. Шу тариқа табиатда ҳам, одамлар ҳаётида ҳам жўшқинлик, яратувчанлик вужудга келади. Бу кайфият, бу хурсандчилик тезда ҳамманинг бошини қовуштиради. Бундай кезларда ҳар қандай бунёдкорлик улкан ташаббусга айланади ва халқона тус олади. Бунинг натижаси ўлароқ халқ сайли бошланиб кетади. Яхшилик улашиш, хурсандчилик қилиш, деҳқончиликнинг бошланиши ёппасига тус олади. Халқ таъбири билан айтганда, бу пайтда иликларни тўлдирувчи Наврўз таоми — сумалак пиширишга киришилади. Шу тариқа байрам бир неча кун давом этиб, халқ сайлига айланиб кетади.

Наврўзда халқимизга хос бўлган яна бир ажойиб анъана — ҳашар қайта жонланади. Одамлар бир ёқадан бош чиқариб, кўча-кўй, гузарлар, боғ-роғлар ва майдонларда улкан бунёдкорлик ишларини бажаришади. Довдарахтларга шакл берилиб, янги кўчатлар экилади. Бундан ташқари, етим-есир, ногирон ва бемор кишиларнинг ҳолидан хабар олинади. Дошқозонларда сумалак билан бирга турфа таомлар пиширилиб, турли халқ ўйинлари ва томошалар уюштирилади. Бир сўз билан айтганда, одамлар жипслашиб, бир-бирларига меҳр ва мурувват улашилади. Бу эса Наврўзнинг эзгулик ва инсонпарварлик байрами эканидан далолатдир.

Зотан, Наврўз миллийлик, шоду-хуррамлик, меҳр-мурувват, шукроналик, сафарбарлик, янгиланиш байрамидир. Унинг замирида халқнинг иродаси, эзгу орзу-ниятлари мужассамлашган.

Нормурод МУСОМОВ,
журналист

Turmush chorrahalarida

ИНСОНИЙЛИК ТАЛАБИ

(Давоми.
Боши учинчи бетда)

Пировардида Машариюплар оиласи ўз соғлиғини тиклаш учун 288 минг сўм эмас, 203 минг сўм сарфлангани маълум бўлди. Суд аввал тўланган 40 минг сўмни чегириб ташлаган ҳолда С.Қаландаровнинг зиммасига қолган 163 минг пулни тўлаш мажбуриятини юклади. Маънавий зарар учун сўралган маблағнинг асослилиги ҳам ўрганилди ва жавобгардан 200 минг сўм пул ундириб бериладиган бўлди.

Меҳр-оқибатнинг дарз кетиши ҳолатига бошқа бир йўл-транспорт ҳодисаси мисолида ҳам гувоҳ бўлдик. Бу воқеа Гурланда, аниқроғи Гурлан-Манғит автойўлида юз берди. 2003 йилнинг 26 декабр куни фуқаро Ойша Янгибоева бошқараётган "Москвич" русумли автомашина Рустам Нурматов ҳайдаб кетаётган "Жигули" русумли машина билан тўқнашиб кетади. Бунинг натижасида ҳар иккала машина жиддий шикаст етганини балки инобатга олмасак ҳам бўлар. Бироқ О.Янгибоеванинг машинасида кетаётган Фазилат Хидирбоеванинг бошига тушган кўргуликдан асло кўз юмолмаймиз. Гап шундаки, мазкур тўқнашув боис 1982 йили туғилиб, ҳали турмушга чиқмаган Хидирбоеванинг юзига шиша синиқлари қадалиб, оғзининг ҳар икки тарафи йиртилиб кетади. У 17 кун мобайнида шифохонага ётиб даволанса-да, жароҳат изларини йўқотиш имкони бўлмайди. Унинг айтишича, юзидаги жароҳат аломатларини пластик жарроҳлик усули билан бартараф этиш ниятида Хоразмдан Тошкентга уч бора қатнаган. Бу ерда шифокорлар унинг юзини асл ҳолига қайтариш учун кўп ҳаракат қилишган. Аммо бундан натижа чиқмаган. Шифокорларнинг айтишича, яна икки бора пластик жарроҳлик амалиёти ўтказилсагина унинг қиёфаси асл ҳолига қайтиши мумкин экан.

Ф.Хидирбоева судда кўрсатма бериб, Тошкентга Хоразмдаги муолажа тадбирлари учун чўнтагидан 499 минг сўм пул сарфлаганини, яна икки бора ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти учун ҳам камида 1 миллион сўм пул зарурлигини, ушбу қийматни, шунингдек, 213 минг сўмлик маънавий зарар, жами 1 миллион 700 минг сўм маблағни жавобгар Р.Нурматов ҳисобидан қоплашни сўради. Айтишича, йўл транспорт ҳодисаси сабабчи бўлган Р.Нурматов жабрланувчига шифо учун лозим даражада моддий ёрдам кўрсатмаган. Зарарни қоплашга ваъда берса-да, уни бажармаган.

Далиллар чиндан ҳам жавобгарнинг инсонийлик бурчи ва мажбуриятларидан хийла йироқлашганлигини кўрсатди.

Ҳаётнинг йўриғи шу: қанчалик валломат бўлманг, кимданки тилингиз қисиқ бўлса, унинг олдида одобу-тавозе сақлашга мажбурсиз. Рустамбой ҳаётнинг ана шу оддий қонуниятини ҳам унутди. Жабридийдага моддий ёрдам тариқасида кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан ўзини четга олди. Аммо қонун сўровидан қутулолмади. Хатти-ҳаракатлари қуюшқондан чиқиб, ўзини жабридийда олдидаги бурч ва мажбуриятларидан тамомила холи сезган чоғда қонун билан юзма-юз келди. Жабрдийда уни судга берди. Ушбу жараёнда ҳам содир бўлган ҳодисанинг сабаб ва оқибатлари, жабрланувчига етказилган зиён миқдори пулга чақилиб, сарҳисоб этилди. Охир-оқибат жавобгар зиммасига етказилган 313 минг сўмлик моддий ва маънавий зиённи қоплаш мажбурияти юклатилди. Суд жабрланувчи Ф. Хидирбоеванинг автоҳалокат оқибатидан ҳануз қутулмагани, жисми дард исканжасида эканини ҳам назарда тутди. Бинобарин, муолажа тадбирлари тағин давом эттириладиган, даъвогарнинг ўзи таъкидлаганидек, яна йўкки марта пластик жарроҳлик усули қўлланиладиган бўлса, унинг сарф-харажатлари ҳам жавобгар томонидан қопланиши тушунтирилди.

Меҳр-сўраб олинмайди. У инъом этилади. Шунинг учун ҳам халқимиз меҳридарё кишиларни инсоний фазилатлар соҳиби санайди. Ўзгалар жонига озор етказса-да, унга малҳам бўлолмаган бемеҳр кимсалардан эса ҳамма хазар қилади. Шундай экан, эл-юрт ва қонун назаридан қолмай десангиз, инсонийлик фарзларига ҳамиша амал қилинг.

Ойша ХУДОЙБЕРГЕНОВА,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

АЛДОВ ТЎРИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Кейин Дилшод уни айланма йўллар орқали Чимкент вилоятига олиб ўтдида, Эркиннинг қўлига топширди. У 60.000 сўм пулдан бир қисмини йўлкира ҳақи сифатида бериб, қолганини ўзида олиб қолди.

Қаллоблик йўли билан бор-йўғи бир кунда қўлга киритган мўмайгина даромад Дилшодга мутлақо тинчлик бермай қўйди. Азбаройи нафс қутқусига учганидан аввалига иккиланган бўлса, энди мутлақо ўзига ишонган ҳолда ишга киришди. Шу ниятда у Юнусобод туманидаги аҳоли гавжум яшайдиган Жаҳон Обидова кўчасида пайдо бўлди. Тез орада у алдов йўли билан 5-6 нафар соддадил одамларнинг ишончига кириб, уларни лақиллатишга муваффақ бўлди.

Натижада у фуқаро И.Турсунбековдан 50 АҚШ доллари, Б.Шерқулов, В.Зиятуллин, Г.Абдурахмонов, Д.Тўйчиевалрнинг ҳар биридан фуқаролик паспорти билан бирга 30.000 сўмдан пул олиб чўнтакка урди. Кейин уларни айланма йўллар орқали Чимкент вилоятининг Сариёғоч туманига олиб ўтди. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бу пайтга келиб Дилшод ҳеч қанақа "Коминсет" деган хусусий фирма йўқ, ҳаммаси фирибгарликдан иборат бир ўйин эканини яхши билар эди. Шунга қарамасдан у ўзи билан бирга борган одамларни Эркиннинг қўлига топширди. Бунинг эвазига 10.000 Қозоғистон тенгесини олди. Бундан ҳам ёмони, кейинчалик у ҳам ватандошларининг тақдири билан заррача ҳам қизиқмади.

II. САБОҚ

Баъзилар қилғиликни қилиб қўйиб, айбни шайтонга тўнкашади. Лекин Дилшод қисқа вақт ичида фирибгарликнинг шунчалик ҳадисини олдики, энди бемалол шайтонга ҳам дарс бериш қўлидан келарди.

Кўпни кўрган Жаббор Шерқулов инсон қиёфасидаги бу иблиснинг қармоғига қандай илиниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ўша мудҳиш кун Жабборнинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. 2004 йилнинг 27 май куни эди. Дилшод эр-хотинни кўярда-қўймай Қозоғистонга бориб ишлашга кўндирди. Айниқса, у фирманинг муҳр ва тамғаси туширилган расмий шартнома қоғозини кўрсатгач, Жаббор розилик берди. Бу ҳам майли, унинг "ҳотамтой"лиги тутиб икки жияни ва уч нафар кўшинисини ҳам ўзи билан бирга боришга ундади. Жами 6 нафар кишининг ҳар биридан 30.000 сўмдан нақд пулини санаб олгач, Дилшод ўзига таниш ошнасининг "Дамас" автомашинасида божхона назоратини четлаб, уларни Қозоғистон ҳудудига олиб ўтди. Кейин эса, «Астана шаҳрига олиб борадиган автобусга ҳозир билет оламан» деди-ю, аллақаёққа ғойиб бўлди. Шу куйи қайта қорасини кўрсатмади.

— Бизни Сарёғоч туманига олиб келган Дилшод ҳужжатларни расмийлаштириб, автобусга чипта олиб келаман, деганча қайтиб келмади, — дейди суд мажлисида Жаббор Шерқулов. — Бахтга қарши, фуқаролик паспортларимизни ҳам ўзи билан олиб кетганди. Орадан бир соат вақт ўтгач, олдимизга 5-6 нафар нотаниш йигитлар келиб, Дилшод сизларни бизга 10.000 тенгега топшириб кетди, ишонмасаларинг мана паспортларинг, деб кўрсатишди. Биз қопқонга тушганимизни сезиб, фурсат борида қочиб қолишга уриндик, бироқ улар жисмоний куч ишлатиб, бизни енгил машиналарга ўтказиб, Қоплонбек деган қишлоққа олиб келишди.

Қишлоқда бизни автобус ҳайдовчиси ва нотаниш бир аёл кишига кўзимизнинг олдида 15.000 тенгега сотиб юборишди.

Шу вақтда не аҳволга тушганлигимизни таърифлаш қийин. Ҳамма нарсани кутсак ҳам бу даражада таҳқирланишимизни кутмагандик.

Бизни янги "хўжайинлар"имиз Астана шаҳрига олиб келишди. Энди 42.000 тенгега бизни Рустам деган кимсага сотишди.

Рустамнинг кўрсатмасига асосан бизни қандайдир кимсасиз жойдаги қурилиш объектига олиб келишди. Эрта тонгдан то тунга қадар совуқда тинимсиз ишлашга мажбур қилишди. Иссиқ овқат у ёқда турсин, тузукроқ кўрпа-тўшак ҳам беришмади.

Охири, орадан бир ойлар чамаси вақт ўтгач, иложини топиб уйга қўнғироқ қилдим. Тезда хотиним ва қўшним биз яшаётган жойни топиб, етиб келишди. Юртимга қайтиб келгач, 2 ой даволаниб чиқишимга тўғри келди...

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Дилшоднинг жиноий хатти-ҳаракатлари ҳам узоқ давом этгани йўқ. Чунки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари аллақачон унинг изига тушишганди.

Ана шундай кунларнинг бирида у навбатдаги бир гуруҳ одамларни машинага ўтқазиб, энди йўлга тушганида милиция ходимлари томонидан жиноят устида қўлга олинди. Фирибгарни қўлга туширишда жабрдийда алданганлар ҳам фаол иштирок этишди.

2005 йил 15 февралида Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди мазкур ишни кўриб чиқди. Фирибгар Дилшод Зокиров суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шу билан бу воқеани якунласак ҳам бўларди. Лекин бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар кишини беихтиёр мулоҳаза юритишга ундайди. Албатта, бу ўринда фирибгарлик йўлига кирган Дилшоднинг қабиҳ хатти-ҳаракатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Лекин унинг етовига юрган юртдошларимизни-чи? Уларни оқлаб бўладими? Албатта, йўқ. Агар улар қонунни билганларида, қонунни ҳурмат қилиб, қонунга бўйсуниб яшаганларида, бу ҳолга тушмаган бўлардилар. Чунки ноқонуний иш бир кун бўлмаса, бир кун келиб ўз бошларига ташвиш олиб келишини англаб етардилар. Афсуски, бундай бўлмади. Улар қонунни билмасдан қоқилдилар. Ўйлаймизки, ушбу мақола осон бойлик орттириш умидида хорижни орзу қилиб юрган бошқа юртдошларимизга сабоқ бўлади.

Фурқат РАСУЛОВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЭЪЛОН

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 06.04.2004 йилдаги 78-шт сонли буйруғига асосан Бухоро тумани давлат нотариал идорасининг нотариуси Назарова Аминахон Иргашевнага 04.04.2001 йилда берилган ВН000054-рақамли нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди. Шу муносабат билан Бухоро вилоят адлия бошқармаси А.Назарова нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга эмаслигини билдиради.

Mashhurlarning sirli hayoti

ЭНГ БАДАВЛАТ ВА ЭНГ ҚАШШОҚ АДИБ

Дунё азал-азалдан сир-синоатга тўла. Шунингдек, барча сир-синоат, ажойибот ва ғаройиботлар инсон, унинг бу дунёдаги кечмиши ҳаёти билан боғлиқ. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли, ақл-заковати, Яратган томонидан берилган даҳоси мавжуд. Шунинг учун оддий инсонлар ҳамиша ўз даврлари ёки улардан аввалроқ яшаб ўтган машҳур кишиларнинг шахсий ҳаётлари, ютуқ ва камчиликлари билан қизиқадилар.

Газетамизда янги — "Машҳурларнинг сирли ҳаёти" рукнини очиш билан ўзимизча янги "китоб" кашф этиш ниятимиз йўқ, албатта. Лекин сиз ушбу рукн остида ўзингиз билган, яъни тарих китоблари орқали таниш бўлган ва турли даврларда яшаб ўтган машҳурларнинг сирли тақдирлари билан танишишингиз мумкин. Агар сиз газетамизнинг доимий мухлиси бўлсангиз, ўйлаб ана шундай қизиқарли, дунёга машҳур шахсларнинг ҳаёт йўли ва шу билан биргаликда ҳам ҳавас қиларлик, ҳам фожиалик тақдирлари билан танишасиз.

Бутун дунё адабиёт ихлосмандлари каби, ўзбек китобхонлари ҳам америкалик машҳур ёзувчи Жек Лондоннинг бетакрор адабий меросидан баҳраманд бўлишган. Унинг бир-биридан гўзал ва бетакрор ҳикоялари, қисса ҳамда романларини ўқишган. Адибнинг турфа феъл ва турфа тақдирли қаҳрамонлари билан танишишган. Лекин ёзувчи ижоди билан таниш китобхонларнинг ҳаммаси ҳам унинг шахсий ҳаётини батафсил билмаса керак.

Жек Лондон 1876 йили Америкада туғилган. Унинг болалиги киши ҳавас қилса арзийдиган оилада ўтмаган. Онаси уйда доимий равишда жанжал кўтарар, етишмовчилик ва қашшоқликдан нолир, отасини гўрдан олиб гўрга соларди. Бунинг устига онаси рўзғор ташвишларига шу қадар ўралашиб қолган эдики, у баъзан уйда кичик Жек борлигини ҳам унутиб қўярди.

Оиладаги мана шундай сиқиқ муҳитдан Жекни фақат китоблар қутқарар, у тинимсиз ва танламасдан мутоала қиларди. У эсини таниғач, китобларни танлаб ўқий бошлайди. Энди унинг қўлидан асосан денгиз ва қуруқликдаги саёҳатномалар, саргузашт ва турфа кашфиётлар ҳақидаги китоблар тушмасди. Шунингдек, у ҳамиша очиқ денгизга интилар, саргузаштларга бой саёҳатларни орзу қиларди. Лекин унинг орзулари ушалиши учун каттагина пул керак эди. Афсуски, қашшоқ оила Жек учун бундай маблағ ажратишга қодир эмасди. Ҳатто, бошланғич мактабни тугатган Жекни ўқитиш учун ҳам маблағ масаласи муаммо бўлиб қолди. Шу боис бўлажак адиб барча орзуларидан кўз юмиб, отасига оилани боқишда кўмаклаша бошлади.

У ишлаганда ҳам бошқаларга ўхшаб кун ўтиши учун меҳнат қилмасди. Балки бутун вужуди, жон-жаҳди билан берилиб ишларди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай у ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан кичиккина елканли қайиқ сотиб олишга муваффақ бўлди. Тўғри, ўша даврларда ҳар қандай қашшоқ одам ҳам ҳаракат қилса, Жекникидек қайиқчага эга бўлиши мумкин эди. Лекин Жек бор-йўғи 15 ёшида ўз қайиғига эга бўлгани унинг замондош — ҳамкасбларини ҳайратга солгани бор гап.

Қайиқ Жекнинг оиласига қувонч ва энг асосийси, бойлик олиб келди. У тез орада машҳур "қароқчи балиқчи"га айланди. У вақтларда лаққа балиқ ва денгиз чиғаноқлари фақат олийнасаб оилаларнинг дастурхонини безар ва ўз-ўзидан маълумки, улар бу тансиқ таомлар учун пулни аяшмасди. Лекин лаққа ва чиғаноқларни овлаш давлат томонидан таъқиқланган эди. Жек балиқ овининг айнан мана шу таъқиқланган тури билан шуғуллана бошлади. Шунинг учун ҳам "қароқчи балиқчи" тез орада барча оилавий қарзларни узиб, бадавлат ва обрўли денгизчилар сафидан ўрин олди. У жасурлиги, жанжалкашлиги билан ҳам жуда эрта кўзга ташланди. Натижада энди уни атрофдагилар нафақат "қароқчи балиқчи", балки "қароқчи балиқчилар қироли", деб ҳам атай бошлашди. Албатта, "қирол"лик мавқеига Жек осонликча эришгани йўқ. Бу даражага эришгунга қадар у бир неча марта денгизда ҳалок бўлиши, рақибларининг ўқига учиши ёки елкасидан пичоқ ейиши мумкин эди. Ҳеч бўлмаганда, умрини Сан-Квентин турмасида ўтказиши учун ҳам етарли асослар бор эди.

У ўн етти ёшида ўзининг доимий орзуси — очиқ денгизга саёҳатга отланди. Бунинг учун Жек денгиз сафарига кетаётган елканли кемага оддий матрос сифатида ёлланишига тўғри келди. Аслида бўлажак адиб ушбу саёҳатга чиқиш учун кемадаги энг оғир ва ифлос ишларни бажаришга ҳам тайёр эди.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ёш Жек ўзининг бетартиб саёҳатлари давомида ўрта мактабни битириб, Окленд шаҳридаги дорилфунун талабаси бўлишга ҳам ҳаракат қилиб кўрди. Афсуски, ниятларининг на униси, на буниси амалга ошди.

Айнан ана шу саёқ юрган йилларида у ўзининг илк ҳикояларини ёзди. Нафақат илк ҳикояларини ёзди, балки унинг ҳикояларидан бири ўша даврларда Америкада жуда машҳур бўлган газеталардан бирининг мукофотига ҳам сазовор бўлди. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Жек бир жойда ўтириб, ижод қиладиган адиблар сирасига кирмасди. Шунинг учун ҳам 1896 йилда у олтин ахтарувчилар билан навбатдаги сафарга отланди. Тўғри, Жек бу оғир ва хатарли сафардан бирор мисқол ҳам олтин олиб келгани йўқ. Лекин Клондайк кемаси ва Аляскадаги саргузаштлар унинг келгуси асарлари учун замин яратиб берди. У сафардан қайтгач, бутунлай ижодга шунғиб кетди. У кечаю кундуз ўқир, ёзар ва ёзганларини кетма-кет турли таҳририятларга жўнатарди. Таҳририятлар эса худди келишиб олгандек, Жекнинг ёзганларини эълон қилмас, унинг қайта-қайта таҳрир қилиб жўнатган асарлари ҳам худди сувга тушган тошдек беиз кетарди.

Ниҳоят, орадан тўрт-беш йил ўтиб, Жек Лондоннинг тинимсиз ва сермашаққат меҳнатлари ўз самарасини бера бошлади. Энди у ёзаётган ҳар бир ҳикоя, қисса ва роман тўхтовсиз чоп этиларди. Мамлакатнинг энг машҳур журнал ва газета таҳририятлари унинг ёзаётганларини (!) пешма-пеш эълон қиларди. Агар шоирона айтадиган бўлсак, бу йилларни унинг машҳурлик кошонасига илк қадами, деб баҳолаш мумкин. Албатта, машҳурлик билан баб-баравар унинг чўнтаги ҳам "семира" борди. Лекин қаҳрамонимизга пулни сақлаш, уни кўпайтириш ёки тежаш керак, деган тушунчалар бутунлай ёт эди. Шунинг учун ҳам у қўлига тушган пулларни аямай сарфлар, ҳатто танимаган-билмаган одамлари қарз сўраб келса ҳам бериб юбораверарди. Натижада баъзан кейинги қалам ҳақини олгунча бир неча кун оч юришига ҳам тўғри келарди. Лекин қалам ҳақи қўлига теккач, яна исрофгарчилик давом этарди.

Жек Лондоннинг уйланиши ҳам ғалати бўлган. У дорилфунунда бирга ўқиб, кейинчалик ҳалок бўлган сабоқдошининг қаллиғига уйланади. Буни қарангки, оилавий никоҳ ва мана шу никоҳ туфайли дунёга келган икки қиз ҳам Жекни уйга "боғлаб" қўя олмади. Жек уйдан кўра, кўчада ўзини бахтиёрроқ сезар, уйда эса ҳамиша ўзини бахтсиз ва ёлғиз ҳис қиларди. Охир-оқибат у хотини билан ажрашиб кетади.

Кўп ўтмай у яна янгидан ҳаёт бошлашга аҳд қилди. Бу гал у ўзига рафиқаликка Чармиан Киттрежни танлади. Афсуски, Жек бу гал ҳам ўзига турмуш ўртоғи танлашда адашган эди. Чунки Чармианнинг феъли худди болага ўхшар, у эрига болаларча тантиқлик ва эркалик қиларди. Жекнинг иккинчи марта уйланишдан кўзлаган асосий мақсади — ўғил фарзанд кўриш эди. Адибнинг замондошлари ёзишича, Чармиан Киттерж бу ишни ҳам "эплолмаган" ёки ўзи "истамаган".

Хуллас, бир хил ҳаёт ва Чармианнинг доимий жанжалларидан безган Жек яна денгизга саёҳатга отланади. У ҳамиша кутилмаган нарсаларни ўйлаб топар ва жон-жаҳди билан ўзи ўйлаб топган ишни амалга оширишга ҳаракат қиларди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Жек Лондон ўз маблағи ҳисобидан елканли кема қуриб, дунё бўйлаб саёҳат қилишга қарор қилди. У бир қарорга келдими, уни фикридан қайтариш ёки бошқа бир йўналишга солиб юборишнинг иложи бўлмасди...

Хуллас, атрофдагиларнинг огоҳлантиришига қарамай, Жек ўз "Снарка"сида денгизга йўл олади. Адабиётшунос олимлар таъкидлашадики, "Агар Жек Лондон ўз "Снарка"сида саёҳат қилмаганида, у бугунгидек машҳур бўла олмас эди!" Албатта, уларнинг бундай хулосага келишининг ҳам ўзига яраша сабаблари бор.

"Снарка" очиқ денгизга чиққач, кутилмаганда "адашиб" қолади. Чунки кема штурмани денгиз ва денгиз йўллари, кемани бошқариш ҳақида умуман тасаввурга ҳам эга эмасди. Бунинг устига, кема машинисти ҳам бу соҳага бутунлай "бегона" эди. Ҳатто кема ошпази ҳам ўзига бириктирилган вазифани эплай олмасди. Натижада кема хўжайини бўлган Жек Лондоннинг ўзи штурман, машинист ва ҳатто, ошпазлик вазифаларини ҳам бажарарди. Ҳар куни "Снарка"нинг нимасидир ишдан чиқар ва албатта, бу носозликларни тузатиш ҳам Жекнинг зиммасига тушарди. Шунча қийинчиликлар, машаққатларга қарамай адиб ана шу сафар давомида ўзининг энг машҳур асари — "Мартин Иден" романини ёзади. Кўпчилик яхши биладики, ушбу роман жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига киради.

Бунинг устига саёҳатдан қайтишига уни бир қатор дилхираликлар кутиб турарди. Унинг атрофидагилари, ишонган дўстлари, кўплаб таниш-билишлари товламачи ва муттаҳам одамлар эди. Улар имкон борича Жекдан юлишга, ундан фойдаланишга ҳаракат қилишар, лекин ўзлари у ҳақда қайғуришмасди. Гапнинг қисқаси, адиб сафардан қайтгунга қадар унинг атрофидагилар Жекка тегишли бўлган мол-мулкни талаб бўлишган эди.

Жек Лондон бу гал ҳам тушкунликка тушмайди. Ўзини меҳнатга уради. У энди адабиёт билан бир қаторда деҳқончилик илмига ҳам қизиқиб қолади. Шахсий фермер хўжалигини ташкил қилади. Уйига яқин жойдан каттагина ер майдонини сотиб олади. Ўзига эса жуда ҳашаматли ва катта уй қура бошлади. Энди унинг ерида юзлаб деҳқонлар ишлар, Жек ўз асарлари қалам ҳақини ярмини уларга сарфласа, қолган ярмини доимий меҳмонлари учун совурарди.

Шу йилларда унинг бутун дунёга машҳур бўлган "Вақт кутмайди", "Темир қанот", "Шарқий денгиз ҳикоялари", "Катта уйнинг кичик бекаси", "Уч қалб" каби асарлари ёзилди ва ўша давр учун кўз кўриб қулоқ эшитмаган нусхаларда нашр этилди. Энди унинг асарларини нафақат Америка, балки бутун дунё ўқирди. Унинг асарлари дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинди. Суратлари жаҳоннинг барча мамлакатлари газета ва журналларининг биринчи саҳифаларидан тушмай қолди. Бир сўз билан айтганда, 1913 йилнинг баҳорига келиб, Жек Лондон дунёдаги энг машҳур ва асарлари учун энг кўп қалам ҳақи оладиган ёзувчига айланди.

Лекин тақдир уни яна ўз эркига қўймайди. 1913 йилнинг кузига келиб, адибнинг янги қуриб битирилган уйи ёниб кетади. Бу оддийгина ёнғин эмас эди. Чунки ана шу ёнғин сабаб Жек Лондон ўзининг келажакка бўлган ишончини ҳам йўқотиб қўяди. Уй билан бирга унинг юрагида ҳам нимадир куйиб битади. Энг ёмони, у бир куннинг ичида қариб-чуриб қолади.

Жек Лондон аввал ҳам спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиларди. Лекин бу ичкиликбозликлар албатта давраларда, бирор сабаб билан бўларди. Энди эса, у ўз қайғуларини унутиш ва тушкунликдан қутулиш мақсадида тинимсиз ича бошлади.

Адибнинг сўнгги кунларида унинг атрофида фақат икки нафар садоқатли дўсти қолган эди. Улар адибнинг қондош синглиси – Элиза ва унинг хизматкори, япон миллатига мансуб Наката. Наката Жек Лондоннинг ўғил кўриш ҳақидаги орзусини билар ва унга ўғил ўз отасига муомала қилгандек муносабатда бўларди. У Лондоннинг умрини охиригача ўғиллик мақомида туриб берди десак, адашмаймиз.

Жек Лондон миллионлаб америкаликларга нисбатан ўзини омадлироқ ҳисобларди. Лекин у ҳали ўлим хабарчиси етиб келмасдан туриб яшашдан чарчади. Лондон ҳаётдан ўзига керакли нарсаларни олиб, айтадиганини айтиб, қиладиганини қилиб бўлганди. Бир сўз билан айтганда, у энди осойишта ўлим топиш ҳуқуқига эга эди. Ташбеҳ билан гапирадиган бўлсак, у ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятини сарфлаб бўлган, энди қундан кунга сўлиб бораётган гул каби ўлимни кутиб яшашдан бошқа иложи қолмаган эди. У буни бутун вужуди билан ҳис қилар, ақли онглилик билан телбалик орасида саросар кезаётганини ҳам англарди.

1916 йилнинг ноябрь ойи бошларида Жек синглисидан агар у дунёдан кўз юмса, жасадини ўзига қарашли ерлардан биридаги қояда дафн этишларини сўрайди. Лекин у ҳали ҳаётдан буткул умид узмаган эди. Ўзининг амалга ошмай қолаётган орзуларидан бири – сир-синоатларга тўла Шарққа сафар қилишдан ҳам ҳали воз кечмаган эди. Кутилмаганда унга қарши навбатдаги жиноят иши қўзғатилади. Таъқидлаб ўтиш керакки, Жек Лондон ўз ҳаёти давомида бошидан ўнлаб суд жараёнларини ўтказган. Лекин бу галги суд буюк адибнинг сабр косасининг тўлиб-тошиши учун сўнгги томчи вазифасини ўтади. Улуғ адиб 1916 йилнинг 22 ноябрида, айни қирчиллама қирқ ёшида бу дунёни ташлаб кетди.

"Бу дунёни ташлаб кетди", дейишимизнинг ҳам ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. 22 ноябр куни адибдан хабар олиш учун кирган синглиси Элиза уни беҳуш ҳолда топади. Зудлик билан етиб келган шифокор Жек Лондоннинг ёнидан атропин ва морфий ҳаплориларининг бўшаган идишларини топади. Шунингдек, унинг ёнида қалам ва ёндафтар ҳам бўлиб, унда кетма-кет рақамлар ёзилган эди. Кейинчалик маълум бўлишича, адиб атропин ва морфийнинг қанча миқдори киши умрига нуқта қўйиш учун етарли бўлишини ҳисоблаб чиққан экан...

Шифокорларнинг Жек Лондонни қутқариб қолиш учун қилган барча хатти-ҳаракатлари зое кетади. Унинг ошқозонини ювиш ва бошқа муолажалар адибнинг ҳаётини сақлаб қололмайди. Чунки ҳисоб-китоб қилиб ичилган заҳар аллақачон ўз ишини қилиб бўлган эди. 1916 йилнинг 22 ноябрь куни кечки пайт Жек Лондон ҳаётдан кўз юмади.

Унинг ўлимидан бутун дунё адабиёт ихлосмандлари ларзага келди, деб айтишимиз мумкин. Синглиси Элиза адибнинг васиятига амал қилиб, унинг жасадини адибга тегишли бўлган Гўзаллик ранчосидаги энг баланд қояга дафн этади...

Жек Лондон ёзувчи сифатида унинг атрофида фақат икки нафар садоқатли дўсти қолган эди. Ўша даврларда ҳам, бугун ҳам унинг миллионлаб ўқувчилари бор. Лекин бу дунёдан кўнглида иккита улуғ армон билан кетди. Улардан биринчиси, ўғил фарзанд кўриш бўлса, иккинчиси уни ҳамиша ўз бағрига чорлаган Шарққа сафар эди...

Ислом ҲАМРО тайёрлади

Газетанинг кейинги сони 29 март куни чиқади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-215. Тиражи — 7034. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6